جديد


Tilda, fikrda, ishda birlik!

Jadid

2024-yil 8-noyabr
№ 46(46)
www.jadid-media.uz

adabiy, ilmiy-ma’rifiy va ijtimoiy haftalik gazeta

ШАРАФЛИ ЗАМОНДОШ



“...Шароф аканинг адабий-ижодий меросига ўз вақтида адабиётшунослар юксак баҳо беришди. Зеро, унинг “Қудратли тўлқин”, “Бўрондан кучли” романлари ҳам бунёдкор инсонлар ҳаётидан ҳикоя қилади. Қўшиқ бўлган шеърлари, айниқса “Кашмир қўшиғи” жуда машҳур. Ушбу асарларда Шароф аканинг ижодкор сифатидаги юксак маҳорати ва гўзал қалби акс этади...”

(2-саҳифада ўқинг).

МУНОСАБАТ



АҲЛИ ФАЗЛ ВА АҲЛИ ҲУНАРГА ЮКСАК ЭҲТИРОМ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 31 октябрь – 1 ноябрь кунлари Навоий вилоятига ташриф буюриб, йирик саноат объектлари, ишлаб чиқариш корхоналари, ижтимоий соҳа ташкилотлари вакиллари билан мулоқот қилди, янги лойиҳаларни амалга ошириш учун туртки берди. Ўзбекистон иқтисодини ривожлантириш, ишлаб чиқаришнинг янги тизимларини йўлга қўйиш ва бу борада вилоят раҳбарлари, мутасаддилари, мутахассислари томонидан амалга оширилиши лозим бўлган вазифаларнинг йўл харитасини белгилаб берди.

Президентимиз 2025 йилни вилоят кесимида “Алишер Навоий йили” деб эълон қилди. Бу номлашда халқимизга хос маълум бир ифода орқали бирдан ортиқ маъно англатиш маҳорати мужассамдир. “Алишер Навоий йили” биринчи навбатда буюк мутафаккирнинг тафаккур маҳсуллари, маънавият-маърифат тамойилларига алоҳида эътибор қаратишни назарда тутади. Иккинчи жиҳатдан эса буюк мутафаккиримиз номи билан юритилган вилоятга эътибор қаратилади, йил аввалида белгиланган чора-тадбирларнинг амалга оширилиши вилоятнинг турли ишлаб чиқариш соҳалари ва маънавий-маърифий йўналишдаги муваффақиятини таъминлайди.

Республиканинг иқтисодий ривожланган вилоятида “Алишер Навоий йили”нинг жорий этилиши ҳуқуқий-маънавий асосларга эга. Алишер Навоий ҳаёти давомида мамлакатни иқтисодий ривожлантиришга ўз ҳиссасини қўшган, халқ фаровонлиги йўлида бир қатор ишларни амалга оширган. Халқ манфаати, мамлакат ободлиги йўлида фаолият олиб борган, бошқаларни ҳам шунга даъват қилган. Ижодкорнинг жамоат арбоби сифатида амалга оширган ишлари, аввало, асарларида, хотираларида ўз аксини топган. Хусусан, ижтимоий-диний амаллар юзасидан йўриқнома қийматига эга бўлган “Вақфия” асарида “Илгимдан келганча зулм тиғин ушотиб, мазлум жароҳатиға интиҳол малҳамин қўйдим. Ва илгимдин келмаганини ул ҳазрат арзиға еткурдим”, дейди. Таъмирлаш ишларига алоҳида эътибор берган, мамлакат ободлиги ва халқ манфаатини кўзлаб йўл тутгани маълум бўлади: “Мадраса ва хонақоҳ орасидаким, тош солибдурлар – қачон бузулурдек бўлса, йилдин йилға мараммат қилсунким, мусулмонларға ўтар-борур душвор бўлмағай”.

Алишер Навоий илм, ижод аҳлига рағбат кўрсатиб, уларнинг тенгсиз яратиқларига замин яратган. Заҳириддин Муҳаммад Бобур Алишер Навоий шахсиятини таърифлар экан, “Аҳли фазл ва аҳли ҳунарға Алишербекча, мураббий ва муқаввий маълум эмаским, ҳаргиз пайдо бўлмиш бўлғай”, деб ёзади. Бобур битикларидан буюк мутафаккирнинг кўплаб хайрия ишларини амалга оширганини англаш мумкин: “Мунча бинойи хайрким, ул қилди, кам киши мундоққа муваффақ бўлмиш бўлғай”.

Алишер Навоийнинг бутун фаолиятида халқ манфаатини устун қўйгани, мамлакат мулкини бойитишга хизмат қилгани кўп бора таъкидланади. Хусусан, Бобур шундай дейди: “Мирзодин нима олмас, балки йилда мирзоға куллий маблағлар пешкаш қилур эди”.

2025 йилнинг “Алишер Навоий йили” деб эълон қилиниши моддий, иқтисодий тараққиётнинг бой қадриятларга йўғрилган маънавият асосига қурилишини таъкидлашга хизмат қилади.

(Давоми 3-саҳифада).

АБАДИЙ ДЎСТЛИК

ТУРКИЙ ДУНЁ РИВОЖИДА ЯНГИ БОСҚИЧ



Дунё тарихи ҳикматлар хазинасига тўла уммонга ўхшайди. Бу хазинада олис ўтмиш сабоқлари, мамлакатлар, тузумлар тарихи ва тақдиридан келиб чиқадиган, бугун ва эртанги кун учун ҳам ғоят муҳим хулосалар мавжуд. Гап уларни вақтида англашда. Узоқ-яқин ўтмиш билан боғлиқ хатоларни такрорламаслик, олдинга қараб интилиш, глобал муаммоларни ҳар бир томон манфаатидан келиб чиққан ҳолда ҳал қилиш ҳаракати сусаймаса бўлди. Негаки, дунёнинг бугунги ижтимоий-маънавий ҳолати барча жабҳаларда яқдил бўлишни, кўзланган мақсад йўлида бирлашишни, давлатлараро кооперация имкониятларидан унумли фойдаланишни тақозо этмоқда.

Шу боисдан ҳам Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг дунё ва минтақа давлатлари билан яхши қўшничилик, манфаатли ҳамкорлик алоқаларини ўрнатиш, ўзаро борди-келдиларни янги сифат босқичига кўтаришга доир ҳаётбахш сиёсати узоқ-яқин минтақаларда ҳам ижобий акс садо бермоқда.

Юртбошимиз Шавкат Мирзиёев Қирғизистон мезбонлик қилган Туркий давлатлар ташкилоти Давлат раҳбарлари кенгашининг навбатдаги мажлисида сўзлаган нутқида: **“Сўнгги йилларда Қирғизистонда барча соҳаларда олиб борилаётган жадал ислоҳотлар ва туб ўзгаришларга ҳаммамиз гувоҳ бўлиб турибмиз. Мамлакатда сиёсий-ижтимоий барқарорлик таъминланаётгани, замонавий саноат ва инфратузилма объектлари барпо этилаётгани, давлатнинг халқаро обрўси ва нуфузи ошаётгани яқин қардош сифатида бизни чексиз қувонтиради”,** дея мезбонга иззат ҳамда яқин қўшнилик, чин қардошлик муносабатини изҳор қилди.

Минтақа бўйлаб ҳамкорлик сиёсати мамлакатимизни жаҳон ҳамжамиятига янги замонавий қиёфада намоён этди. Ўзбекистоннинг ички ва ташқи сиёсати умуминсоний қадриятларга, эл-юрт манфаати ва миллатнинг эртанги кунига асосланганини кўрсатди.

Бугун мамлакатимизда, бизга ёндош-қондош ҳудудларда ҳам Ўзбекистон танлаган йўлнинг, давлатимиз раҳбари ташаббусларининг амалий натижалари кўзга ташланмоқда. Юртбошимизнинг қўшни давлатлар раҳбарлари билан имзолаган муҳим битим ва келишувлари, йўлларнинг очилиши, ташқи инвесторлар учун ҳуқуқий жиҳатдан кафолатланган барқарор муҳитнинг юзага келиши ўзаро алоқаларга янгича маъно-мазмун бахш этди.

Давлатимиз раҳбари таъбири билан айтганда: **“Бугун Ташкилотимизнинг тарихий ҳужжати – Туркий дунё хартиясининг қабул қилиниши қардош давлатлар ва халқларимиз ўртасида кучайиб бораётган кўпқиррали ҳамкорликнинг ёрқин ифодасидир. Аминманки, биз шу асосда Туркий дунёни янада жипслаштириш, унинг мавқеини ошириш, ўзаро манфаатли ва дўстона алоқаларимизни чуқурлаштириш, ҳамкорлигимизни янги босқичга кўтаришга эришамиз”.**

Дарҳақиқат, ўтган йиллар давомида қардош мамлакатлараро турли соҳаларда йўлга қўйилган самарали ҳамкорлик янада ривожланмоқда.

(Давоми 2-саҳифада).

ИЛМУ ИРФОН

ИШОНЧ ВА ИЙМОН БИЛАН

Қуръони Каримнинг ўзбек тилидаги янги таржимаси – “Анворул-Қуръон: Файзул-Фурқон” китоби хусусида айрим мулоҳазалар



Муҳтарам Юртбошимиз томонидан таъсис этилган Ўзбекистон Ислом цивилизацияси маркази моҳир мутаржим Мирзо Кенжабек томонидан таржима қилинган “Анворул-Қуръон: “Файзул-Фурқон” номли Қуръони Каримнинг ўзбек тилидаги еттинчи таржимасини яқинда чоп этди.

Таржимага муфассир, ҳофизи Қуръон, ўн қироат бўйича ижоза соҳиби, илоҳиёт фанлари доктори, профессор Ҳасан Таҳсин ҳазратларининг таржимаси ҳамда таъвил, изоҳ ва шарҳлари асос қилиб олинган.

Шу ўринда алоҳида қайд этиш лозимки, Ўзбекистон Ислом цивилизацияси марказининг Қуръони Карим залида Ҳазрати Усмон Қуръони, Катта Лангар Қуръони, шунингдек, аждодларимизга оид бўлган 114 қўлёзма Қуръонлар намойиш этилади.

Ўзбекистон Қаҳрамони, зукко адабиётшунос олим, моҳир таржимон, ўзбек тилининг заргари Иброҳим Ғафуров ўзининг 2009 йил 16 апрелда “Ўзбекистон адабиёти ва санъати” газетасида чоп этилган “Қуръон таржималари: тажрибалар” мақоласида шундай деб ёзади: “Истиқлол туфайли Қуръон ва муқаддас ҳадисларни нашр этиш, тушунишнинг янги замони бошланди. Қуръонни билиш ва юракларга жо этишнинг янги даври келди” ҳамда “Ўзбекистон хонадонларига Қуръоннинг ўзбек адабий тилига бир эмас, бир неча таржималари ишонч ва иймон билан кириб борди”.

(Давоми 4-саҳифада).

ЗАМОНАМИЗ ЖАДИДЛАРИ

САОДАТ ДАРВОЗАСИ

– Агар омадим чопиб, Илҳом акадай бой-бадавлат бўлиб кетсам, албатта, мактаб қураман. Чунки янги мактаб биноси фойдаланишга топширилган куни болалару катталар кўзида порлаган қувонч сурури юрагимда қолди, – дейди Булунғур туманидаги 72-мактаб директори Бектош Қурбонов.

Дарҳақиқат, мактаб қурмоқ шундай бир ҳотамликки, Беҳбудий бобомиз айтганларидек, “макотиб тараққийнинг бошланғичи, маданият ва саодатнинг дарвозасидур. Ҳар миллат энг аввал, макотиби ибтидоийсини замонча ислоҳ этиб кўпайтурмагунча тараққий йўлиға кируб маданиятдан фойдаланмас...”

Кўп тармоқли тадбиркор, “Ahmadbek Qurilish Trio” МЧЖ бош директори Илҳом Рустамовни Самарқандда танимаган одам йўқ. У Бектош Қурбонов раҳбарлик қилаётган 72-мактаб биносини янгидан қурди, бир неча таълим муассасаларининг таъмирига сармоя киритди, маҳаллаларни обод қилди, йўлларни яхшилади. Кўпчиликка ўрнак бўлди. Қилган хизматлари уни эл ардоғига лойиқ қилди. Бугун Илҳом Рустамов “Дўстлик” ордени соҳиби, фаол тадбиркор.

Дарвоқе, тадбиркор қурган мактаб Булунғурнинг Чорбоғ маҳалласида жойлашган, бир ярим гектар майдонни ўз ичига олади. Илгари мактаб ўрнида фаолиятини тўхтатган бир фирманинг харобаси бор эди. Яроқсиз бинони замонавий ўқув даргоҳи ҳолига келтириш осон бўлмади. Пойтахт лицейларидан қолишмайдиган бино, унинг атрофидаги манзарали дарахтлар, ранг-баранг гуллар... Хуллас, чекилган заҳмат ўзини оқлади. Ахир, тадбиркор бир қишлоқ мактабига оз эмас, қарийб олти миллиард сўм пул сарфлади.

Беш-олти километр масофа қатнаб ўқийдиган қишлоқ болаларининг узоғини яқин қилиш ота-оналарнинг орзуси эди. Аҳолининг, айниқса, маҳалла раиси Абдусалом аканинг куйиб-пишиб “болагиналар қийналяпти-да”, деявериши тадбиркорнинг қулоғига етди.

(Давоми 2-саҳифада).

МУЛОҲАЗА



БОЗОР ЁКИ ТАЛАБИМИ СУНЪИЙ ҲОСИЛА?

Икки кун олдин шаҳарлик бир танишим ёзғириб қолди: “Бозордаги нарх-навони назорат қиладиган одам йўқ – бир ой ичида гўшт деярли 50 фоизга қимматлади. Қассоблар кўнглига тушган нархни қўйишяпти. Эътироз билдирсанг: “Чорвани боқиш осон эмас, ем-озуқаси қиммат. Одамлар боққан мол-қўйларини арзон сотгилари йўқ. Мен нима қилай?” деб елка қисишади. Бу масалани кўтариб чиқиш керак – ҳамма соҳада тартиб бўлгани яхши”.

(Давоми 6-саҳифада).

ХОТИРА

ШАРАФЛИ ЗАМОНДОШ

Мамлакатимиз ҳудудида яқин тарихда яшаб ўтган шахслар хусусида ўйлаганимда, беихтиёр уларнинг ойдин сиймоси кўз олдимда гавдаланади. Зеро, Ўзбекистон тарихида ёзилган жуда кўп саналарни, воқеа-ҳодисаларни замонамиз ёшлари китоблардан ўқиб ўрганишади. Биз ёши улуғ инсонлар эса ўша ҳодисаларнинг бевосита гувоҳи, кўпгина тарихий воқеаларнинг иштирокчиси ўлароқ, миллатнинг асл фидойи феномен шахсларига маслакдош ва издош ҳам бўлганмиз.



XX асрда Ўзбекистоннинг ижтимоий-иқтисодий, маданий-маърифий ҳаётида улкан ислоҳотларни амалга оширган Шароф Рашидов ана шундай пешқадам тарихий сиймолардан бири эди. Мен учун устоз мақомида бўлган бу беназир шахс тўғрисида ўйлаганимда унинг мислсиз тарихий хизматлари бир-бир хаёлимдан ўтади. Зотан, асло емирилмас, парчаланмас бўлиб кўринган советлар иттифоқи даврида, мустабид тузум ҳукмронлиги остида Ўзбекистонга биринчи раҳбар бўлиш осон эмасди. Барча топшириқлар марказдан турли ҳудудларга тарқалар ва бу сўзсиз бажарилиши лозим эди. Шундай бир қалтис вазиятли муҳитда Шароф Рашидов билими, одамийлик фазилатлари, ўз халқига бўлган муҳаббати туфайли обрў қозонди.

Бепоён чўлларда пахта экиш учун янги ерлар очилди. Амударё билан Сирдарё сувларининг аксарият қисми шу далалар томон йўналтирилди. Бир замонлар шу ишларга бош-қош бўлган, дея Шароф Рашидов номини қоралашга уринишлар ҳам сезилди. Аммо бугун тарихий ҳақиқат тикланди. У кишининг мамлакат ободлиги, халқнинг фаровон турмуши йўлидаги фидойиликлари ҳеч қачон унутилмайди. Чунки Ўзбекистонга йигирма йилдан ортиқ раҳбарлик қилган бўлса, у ўз шахсий манфаатларини эмас, балки Республика аҳолисининг фойдасини, фаровонлигини кўзлади. Ўша йиллардаги бунёдкорлик ишлари собиқ иттифоқда бизга қўшни республикларнинг иқтисодий аҳволидан юксак бўлса юксак эдики, асло кам эмасди.

Зеро, ҳозир ҳам Тошкент шаҳрига кўрк бағишлаб турган Халқлар дўстлиги санъат саройининг барпо бўлиши, мамлакат марказида метрополитен қурилгани бу тарихий қурилишларга гувоҳи бўлган биз каби ёши улуғ инсонларнинг ҳали ҳамон ёдида.

Иттифоқнинг иқтисодий умумқозонидан ўзбек халқи учун зарур улушни олиш, мамлакат пойтахтида ер ости уловини барпо этиш режасини ўз вақтида Госпландан ўтказиб тасдиқлатиш учун раҳбарда етарли журъат, асосли далиллар ҳамда куч-ғайрат бўлиши лозим эди. Шароф Рашидов шундай дадил, чўрткесар, қатъий ва айни дамда, ўта юксак ички маданият соҳиби эди. Инсонларга имкони борича яхшилик қўлини чўзишга интиларди. Бугун ҳам Шароф акани кўрган-билганларда илиқ хотиралар бор. Дейлик, бир аёлнинг тақдири партиянинг улкан бир мажлисида ҳал бўлиши керак. У шўрлик балки жиндай хато қилгандир, камчилик кимда бўлмайди. Бундай паллада йиғилиш аъзолари, казо-казолар ўша ожиза устига мағзава ағдариш билан машғул бўлибди, хато-камчиликларини рўкач қилибди.

Республиканинг биринчи раҳбари мажлис аҳлининг фикрларини тинглагач, “айбдор” аёлга савол беради: “Неча нафар фарзандингиз бор?” Партиянинг сиёсийлашган муҳташам мажлисида бундай оилавий саволни кутмаган аёл ибо билан жавоб беради: “Саккиз...” Шароф ака ҳушёр тортади ва мажлис аҳлига бир-бир назар ташлаб чиққач: “Биз учун инсонни қадрлаш, хусусан, аёл зоти ҳурматини ўз ўрнига қўйиш муҳим. Муҳтарам мажлис аҳли, ўз ишида бироз камчиликка йўл қўйган, саккиз фарзанднинг онаси бўлган бу ҳамкасбимизни ўша қоракўзлар ҳаққи-ҳурмати кечирсак, нима дейсизлар?!” деган мазмунда қатъий сўз айтади. Шунда аёлнинг кўзларидан ёш тирқираб чиқади. Мажлисдаги энг асосий сўзни айтадиган Марказдан келган вакил ҳам Шароф Рашидовнинг инсонийлиги олдида лол қолади ва айни қарор учун қайта-қайта ташаккур айтади. Инсондан ана шундай эзгу ишлар, яхшиликлар қолади.

Бу бағрикенг раҳбарнинг қўл остидагиларга кўрсатган карамидан биргина мисол, холос. Ҳолбуки, у кишининг фаолиятида шу каби ибратли воқеалар бисёр. Ҳурмат ва эҳтиромни бировдан, хусусан, халқдан сўраб, тиланиб олиб бўлмайди. У меҳнат-машаққатлар, уйқусиз тунлар, қалб гўзаллиги ва бошқаларга кўрсатилган чексиз мурувват эвазига қозонилади. Шунинг учун ҳам бу инсоннинг мислсиз хизматларидан ҳар бир ёш хабардор бўлиши лозим.

Илм йўлида заҳмат чекиб, фидойиларча ишлаган ҳеч бир ўзбек олими, ижодкори, меҳнат фахрийси Шароф аканинг эътиборидан асло четда қолмасди. У киши илм-фан, адабиёт ва санъат аҳлига қалбан яқин эди. Ёш ижодкорларни қўллаб-қувватларди.

Шароф аканинг адабий-ижодий меросига ўз вақтида адабиётшунослар юксак баҳо беришди. Зеро, унинг “Қудратли тўлқин”, “Бўрондан кучли” романлари ҳам бунёдкор инсонлар ҳаётидан ҳикоя қилади. Қўшиқ бўлган шеърлари, айниқса “Кашмир қўшиғи” жуда машҳур. Ушбу асарларда Шароф аканинг ижодкор сифатидаги юксак маҳорати ва гўзал қалби акс этади.

Бугун мамлакатимизни дунёдаги илғор, энг тараққий этган давлатлардан бирига айлантириш ва ҳар бир фуқаронинг фаровон турмуши учун кеча-кундуз жонфидолик қилиб ишлаётган муҳтарам Президентимиз Шавкат Мирзиёев ёшлик чоғларида Шароф акадан оқ йўл олганини ҳам биламан. Бугун Президентимиз шундай шарафли йўлда мардона давом этаётгани бизни қувонтиради.

Шароф Рашидовнинг беқиёс тарихий хизматларини ёдга олиш билан биз унга ўз ҳурматимизни, миннатдорлигимизни билдирган бўламиз. Ўз вақтида бундай фикрларни айтолмадик, у кишига ташаккур изҳор этолмадик. Бугун Шароф Рашидовни кўрган зиёлилар қалбида ҳам худди мен айтган каби хотиралар бўлиши табиий.

Оқил САЛИМОВ,
академик

ТУРКИЙ ДУНЁ РИВОЖИДА ЯНГИ БОСҚИЧ

Бошланиши 1-саҳифада.

Жумладан, маданият соҳасида қадимдан мавжуд анъаналарнинг қайта тикланиши ижодкорларга янгича руҳ ва кайфият бахш этмоқда. Туркий дунё адабиёти ва санъати вакиллари ҳамкорлиги кун сайин кучаяётир. Ёш ижодкорларнинг Бухоро шаҳрида ўтказилган халқаро форумида қўшни давлатлардан келган умидли қаламкашлар ҳам иштирок этишди. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ўтказаётган давра суҳбатларида бугун миллий адабиётларда қандай янги оқимлар, йўналишлар, номлар пайдо бўлаётгани, бадиий таржима масалалари, яратилаётган асарлар, уларнинг маъно-моҳияти, ёшлар тарбиясига таъсири хусусида жонли баҳс бормоқда. Улуғ ёзувчи Чингиз Айтматов айнан шундай йўл тутиш зарурлигини, бундай бўлмаса, қондош-ёндош халқлар бир-биридан узоқлашиб, охир-оқибатда бир-бирларини таржимон орқали тушунадиган бўлиб қолишини Тошкентда Марказий Осиё халқлари маданияти Ассамблеяси минбарида туриб айтган эди. Бундай жонли мулоқотни янада кучайтириш, ёш ижодкорлар учун икки тилли (масалан, ўзбекча-қирғизча, қирғизча-ўзбекча) луғатлар чоп этиш ғоят муҳим. Бунинг зарурати шундаки, бугунги ижод эркинлиги шароитида улуғ аждодларимиздан қолган ноёб фазилат – бир неча тилларни мукаммал билиш, икки тилда ижод қилиш аста-секин тикланмоқда.

Ижодкорлар орасида ўзбек ва тожик, ўзбек ва қирғиз, ўзбек ва қозоқ тилларида бемалол қалам тебратаётганлар оз эмас. Адабиёт минтақа халқлари умумий йўлини ёритувчи машъала экан, зуллисонайнлик бу йўлни янада ойдинлаштириши шубҳасиз. “Ўзбекистонда менинг асарларим асосида ўндан ортиқ спектакллар намойиш этилганидан фахрланиб юраман, – деган эди таниқли қирғиз драматурги Мар Бойжиев. – Ён қўшнимизда бўлаётган инқилобий ўзгаришлар мамлакатингизни дунё кенгликларига дадил чорламоқда. Президент Шавкат Мирзиёев олиб бораётган халқчил сиёсатга ҳавас қилса бўлади”.

Ўзбек ва қирғиз адабий алоқалари XIX асрдаёқ бир маромда ривожлана бошлагани тарихдан маълум. Тадқиқотчи олим Зуҳриддин Исомиддиновнинг ёзишича, Қўқон хони Муҳаммад Алихон асрнинг 20-йиллари ўрталарида ташқи душмандан муҳофазаланиш учун ҳозирги Бишкек, Тўқмоқ, Қораболта шаҳарлари ўрнида мустаҳкам қалъалар қурдириб, қирғиз ёшлари учун мактаблар очилган, мадрасаларда таълим тизими йўлга қўйилган. Қирғиз бадиий сўз санъатининг ўзбек хонадонларига кириб келишида икки улкан адабий воқелик – “Манас” эпоси ҳамда улуғ ёзувчи Чингиз Айтматов асарларининг ўрни алоҳида.

Ўзбек ва қирғиз тили, маданияти ва санъатида, халқ оғзаки ижоди, урф-одат ва қадриятларда муҳим муштараклик мавжуд. Бу жиҳатлар маданий-гуманитар алоқалар ривожида ҳамиша муҳим аҳамият касб этиб келган.

Қирғизистонда бўлиб ўтган Туркий давлатлар ташкилоти Давлат раҳбарлари кенгашининг навбатдаги мажлисида “Қардош халқларимизни бир-бирига янада яқинлаштириш, ёшларимизни аждодларимизга муносиб руҳда тарбиялаш мақсадида туркий эллар фольклорининг кўп жилдли мажмуасини аъзо мамлакатлар тилларида нашр этсак, манзур иш бўлар эди”, дея Президентимиз Шавкат Мирзиёев билдирган таклиф нафақат ўзбекистонлик, балки бутун минтақа ижодкорларини, сўз ва адабиёт муҳибларини жуда ҳам қувонтирди.

“Сўзимнинг якунида бир фикрни алоҳида таъкидламоқчиман, – деди Юртбошимиз Туркий давлатлар ташкилоти Давлат раҳбарлари кенгашининг навбатдаги мажлисида сўзлаган нутқи якунида. – Ташкилотимиз доирасидаги амалий ҳамкорлигимиз шиддат билан ўзгараётган дунёда ўз позицияларимизни мустаҳкамлаш, турли таҳдид ва янги хавф-хатарларнинг олдини олиш, алоқаларимизни янада чуқурлаштириш учун кенг имкониятлар яратмоқда.”

Ҳақиқатан ҳам, бугун олиб борилаётган оқилона сиёсат сабаб қардош туркий халқлар, хусусан, илдизлари бир, қариндош, қўшни ўзбек-қирғиз эллари узоқ кутилган тотувлик, аҳил-иноқлик замонининг муаттар нашидасидан баҳраманд бўлмоқда.

Аҳмаджон МЕЛИБОЕВ

САОДАТ ДАРВОЗАСИ

Бошланиши 1-саҳифада.

Ҳа, маҳалла раисини ташкилотлар “ёмон кўриб” қолгани рост. Негаки, у маҳалланинг ободлиги, одамларнинг эҳтиёжи учун кўринганнинг “бошини қотиради”. Ёрдами тегиши эҳтимолли одам борки, у ваколатли шахсми ё оддий ўзига тўқ оила вакилими, бундан қатъи назар, ҳамкорликка ундайди. “Мени ўзига бош қилган элнинг олдида бурчим бор”, дейди у. Зотан, “Чорбоғ” теварак-атрофдаги бошқа маҳаллалар олдида фаровон кўчалари, тинч оилалари билан ажралиб туради. Бу маҳалланинг ҳатто ички йўлларига ҳам асфальт ётқизилган. Ҳамма жой тоза, озода. Маҳалланинг саранжом-саришталигида Абдусалом аканинг бевосита ўрни бор.

Қишлоқнинг қоқ ўртасидан ўтган анҳор бўйлаб кетар эканмиз, йўл-йўлакай ҳовлилардаги токзорларни кўриб ҳавас қилдик. Мактабга етгунга қадар бирорта ҳам ербағир хонадонга кўзимиз тушмади. Бизга пешвоз чиққан мактаб директори Бектош Қурбонов: “Опа, шу “бир маҳалла, бир маҳсулот”, деган гап зўр бўлди-да. Бу ерлар лалми ерлар, узуми серҳосил бўлади, одамлар томорқадан даромад кўришни касб қилиб олди”, деди.

Суҳбатимиз томорқадан бошланиб, янги мактаб мавзусида давом этди. 2023 йилнинг 1 сентябрида фойдаланишга топширилган 240 ўринли таълим муассасаси икки сменада фаолият юритади. 33 нафар малакали педагог камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлигининг тегишли буйруқлари билан танловга тавсия этилиб, саралаб олинган. Айрим фанларга мутахассис етишмагани учун бошқа мактабдан бир-икки ўқитувчи жалб қилинган, холос.

Директордан қишлоқ мактабларини энг кўп қийнайдиган муаммо – иситиш тизими ҳақида сўрадик. Иккита бинонинг битта катта қозон орқали иситилишини кўриб савол туғилган-



ди-да. Ўқитувчи ва ўқувчилардан муаммо йўқлигини билгач, хотиржам тортдик.

Мактабнинг саккизта ўқув хонаси мавжуд: иккига бўлиб ўтиладиган фанлар учун иккита алоҳида синфхона, учта қўшимча дарсхона ва кутубхона, 120 ўринли фаоллар зали, спорт майдони, парта, доска, шкаф, стол-стуллар... Хуллас, ҳаммаси рисоладагидай.

Тўғри, спорт зали ҳозирча йўқ. Чиниқтирувчи машғулотлар спорт майдонида ўтилади. Қишда иссиққина синф хоналарида шахмат-шашка ва енгил машқлар билан кифояланилади. Директорнинг айтишича, бу масала тез орада ҳал бўлишига шубҳа қилмаса ҳам бўларкан.

– Туманнинг мактаб ва мактабгача таълим бошқармасида ишлаб юриб, бинонинг қурилиш жараёнини кўргандим, – дейди Бектош Қурбонов. – Дилим кетиб, шу мактабга раҳбар бўлиш, уни энг намунали мактаблар сафига олиб чиқиш истаги пайдо бўлди. Директорлар танловига ҳужжат топширдим. 24 декабрда директор вазифасини бажарувчи сифатида буйруқ чиқди. Янги йил арафаси. Мактабга келаман, кетаман. Дарслар бошлангунча кечаю кундуз шу ерда бўлдим. Ишни нимадан, қандай бошлаш керак, деган ўйлар, қолаверса, ҳаяжонлар уйқу бермасди.

Ҳа, ҳар бир ишнинг бошланиши шу ишнинг ярмига тенг, дейдилар. “Чорбоғ” маҳалласининг ўқиш ёшидаги болалари тўрт мактабга ёйилиб кетганди. Муассасанинг тўлақонли ишга тушиши иккинчи чорак якунига тўғри келди. Режалар тузилди, хонадонма-хонадон юриб, маҳалладаги ўқувчи болалар рўйхати шакллантирилди. Ўқув йилининг ярми эмасми, шу мактабда ўқийман, деб хоҳиш билдирганлар сони 200 нафарга ҳам етмади.

– Ташвиқотни кучайтирдик, – дейди директор. – Бир амаллаб ўқишни бошладик, деганимизда катта синф ўқувчилари бизни бироз қийнади. Олиб келамиз, улар аввалги мактабига кетиб қолаверади. “Синфдошларим” дейди. Маҳалла нозири билан ҳафталаб ўқувчилар ортидан юрдик. Хуллас, ўша кунлари ялингандай бола йиғдик. Ҳозир ҳар бир синфда 35 нафаргача ўқувчи бор. Энди вазият тамомила бошқача. Янги ўқувчилар қабулини чеклашга мажбурмиз. Аммо мактаб биноси, шарт-шароитлари кўнгилдагидай бўлгани учун ҳамма боласини шу ерда ўқитгиси келади.



Янги мактаб биноси билан бир кунда давлат томонидан қуриб битказилган янги боғча биноси фойдаланишга топширилди. Суюнчисига “Чорбоғ”нинг “бўлармон”лари элга ош берди, очилиш маросими катта тантанага айланди.

72-мактаб ён-веридаги ўқув даргоҳлардан чора-тадбирлари, устозларга қўйилган қатъий талаблари билан фарқ қилади. Фаолият бошида сараланаётган ўқитувчилар олдига муайян шартлар қўйилди, синов муддати белгиланди. Иш низомига кўра, раҳбарият уларнинг дарсларини кузатиб, тўрт нафарининг фаолияти қониқарсизлигини аниқлади. Далолатномалар тузилиб, савол-жавоблар ўтказилди. Ўқитувчиларнинг ўзлари малака оширишлари кераклигини тан олишди. Талабчанлик ўз кучини кўрсата бошлади. Ўтган ўқув йилини уч нафар ўқувчи олтин медаль билан тугатди.

– Янги жойда раҳбарлик қилишнинг битта яхши томони бор, – дейди мактаб директори. – Ҳамма ишни янги саҳифадан бошлайсиз ва иш бошида ўзингиз турасиз. Олдинги раҳбарнинг чаласини тўлдирмайсиз.

Муаммоларни ўрганиш жараёнида билганим – битта иш ўрнини икки-уч кишига бериб бўлмас экан. Сайёр ўқитувчининг меҳриям сочма бўлади. Бир жойда узоқ ишлаган ходим эса вазифасига меҳр қўяди. Фан ўқитувчиларини дарс соатидан қисмаслик лозим. Бир ярим ставкада ишласа ҳам майли. Туп қўйиб, палак ёйса, муҳаббат билан ишласа, натижаси ҳам аъло бўлади.

Мактаб директорининг оқилона фикрларига биз ҳам қўшилдик. Жадидларимиз орзу қилган истиқболли авлодни жаҳон тараққиёти шоҳсупасига олиб чиқиш йўлида ҳаракатлар бошланганидан, ёшларга эътиборнинг кучайганидан қувондик.

Муҳайё ПИРНАФАСОВА

АҲЛИ ФАЗЛ ВА АҲЛИ ҲУНАРГА ЮКСАК ЭҲТИРОМ



Бошланиши 1-саҳифада.

Алишер Навоий инсонлар ўртасидаги самимий муносабат масаласига эътибор қаратган. Моддий ва маънавий соғломликни, сахийликни, тўғри сўзликни, меҳр-мурувватли бўлишни тарғиб қилган:

Футувват барча қилмакдур – демак йўқ,
Мурувват барча бермакдур – емак йўқ.

Инсоний фазилатларни улуғлаган. Танқидни тўғри қабул қилиш, танқидчига камчиликларни кўрсатувчи ойна сифатида муносабатда бўлиш лозимлигини таъкидлаган:

Киши айбинг деса дам урмағилким,
ул эрур кўзгу,
Чу кўзгу тийра бўлди – ўзга айбинг
зоҳир айларму?

Алишер Навоий халқаро доирадаги муносабатларнинг ҳам асосий йўл-йўриғини кўрсатиб берди. Бугунги кунда мутафаккирнинг Япония сарҳадларида эзгуликка даъват этиб турган:

Олам аҳли билингизким иш эмас душманлиғ,
Ёр ўлинг бир-бирингизгаким эрур ёрлиғ иш

– деган ҳикмати дунё миқёсидаги чақириққа айланиши зарур. Бу ҳикматнинг англаниши мамлакатлар, миллатлар ўртасидаги кўплаб низоларга барҳам берган бўлур эди...

Президентимиз Навоий вилоятига ташрифи чоғида “яшил макон” ҳаракатини амалга оширишга катта эътибор берди. Бугунги кунда дунё шаҳарларида кўчат ўтказиш, дарахт экиш, экологияни тозалашга алоҳида диққат қаратилмоқда. Алишер Навоий ўз даврида мамлакатни адолат билан бошқариш ғоясини илгари сурган. Халқ фаровонлиги, мамлакат ободлиги йўлида фаолият олиб боришга даъват қилган:

Раият галаву – сен шўбон,
Раият мусмиру – сен боғбон.
Бўрини доғи галадин дур қил,
Сув берибон боғни маъмур қил.

“Сув бериб боғни маъмур, яъни обод қилиш” ҳозирги “яшил макон” ҳаракатининг моҳиятини ташкил этади. Шоир халқ фаровонлигини, шунингдек, мамлакат ободонлигини тарғиб қилган.

Алишер Навоий ўз қаҳрамонлари орқали халқ манфаатини устун қўйиш, эл-юрт корига яраш ғоясини илгари суради. “Садди Искандарий”да идеал шоҳ тимсолини яратган. Фарҳод тимсолида тоғу тошлардан йўл очиш ва сув келтириш тасвирлари орқали халқ, эл-юрт манфаати йўлидаги меҳнатга, машаққатларни енгиб ўтишга чорлаган.

Алишер Навоий “Тилга эътибор – элга эътибор” масаласини кун тартибига қўйган. Тил миллатнинг мавжудлик шартидир. Бугунги кунда тараққиёти кафолатланган тиллар, йўқолиш арафасида турган тиллар, йўқолиш эҳтимоли мавжуд тиллар, йўқолиб бораётган тилларга ажратилади. Дунё тажрибасидан кам аҳоли сўзлашаётган тилларнинг муҳофаза қилинаётгани, тил соҳибларининг саъй-ҳаракатлари ўлароқ яшаб келаётгани маълум. Ҳатто фақат оғзаки кўринишда мулоқот воситаси бўлиб келаётган тиллар ҳам мавжуд. Алишер Навоий тил ва элни бир бутунликда тавсифлади. Унинг тил, нутқ, сўз ҳақидаги қарашлари маънавият тараққиёти учун муҳим қийматга эгадир. Шоир сўз, унинг моҳияти ҳақида аксарият асарларида тўхталиб ўтган:

Инсонни сўз айлади жудо ҳайвондин,
Билки гуҳари шарифроқ йўқ ондин.

Сўзни, яъни тилни тириклик белгиси сифатида тавсифлаган: Сўздурки, нишон берур ўлукка жондин... “Муҳокамат ул-луғатайн” асарида сўзни дурга қиёслаган: “…сўз дурредурким, анинг дарёси кўнгулдур ва кўнгул мазҳаредурким, жами маонийи жузв ва кулдур (яъни “…сўз бир дур бўлиб, унинг дарёси кўнгилдир. Кўнгил шундай бир жой бўлиб, сўзнинг барча – катта-кичик маънолари унда жам бўлади”). Бу жумлада кўнгил сўз ватани сифатида тасвирланган, нутқ механизми, имкониятлари, нутқнинг шаклланиш ўрни, “идрок”, “онг” тушунчаларини ифода этмоқда.

Буюк мутафаккир ғаввосни дурнинг ноёб хусусиятини намойиш қилувчи ва жавҳарнинг қийматини зоҳир қилувчи сифатида келтиради. Нутқ сўзловчини кўнгилдаги сўз дурини нутққа олиб кирувчи ва сўзнинг қўлланиш даражасини, қийматини намоён этувчи сифатида таърифлайди: Андоққи, дарёдин гавҳар ғаввос воситаси била жилва намойиш қилур ва анинг қиймати жавҳариға кўра зоҳир бўлур (“Бу шунга ўхшайдики, гавҳар дарёдан ғаввос воситаси билан чиқарилади, унинг қиймати эса тошига қараб белгиланади”).

Тил ахборот бериш билан бир қаторда фикрни ривожлантириш омили ҳамдир. Алишер Навоий:

Ки ҳар ишни қилди одамизод,
Тафаккур бирла қилди они бунёд,

– деб ёзади ҳамда тил ва тафаккурни бир бутунликда талқин қилади. Дарҳақиқат, энг илғор инновацион ғоялар тафаккур орқали шаклланади. Кашфиёт ва ихтироларнинг негизида юксак даражада такомиллашган тафаккур ётади. Алишер Навоий “Муҳокамат ул- луғатайн”да “тез фаҳмлилик”, “юксак идрок”, “самимийлик”, “поклик” кабиларни туркий халқларга хос белгилар сифатида қайд этган: “андоқ маълум бўлурки, турк ...тез фаҳмроқ ва баланд идрокроқ ва хилқати софроқ ва покроқ махлуқ бўлубтур...” Мазкур фазилатларни шунчаки баён қилиб қолмасдан, унинг моҳиятини ҳам ёритиб ўтади. Юқоридаги хос белгиларни туркларнинг сидқидил, соф, тўғри ниятларига боғлайди: “...ва бу ҳол туркларнинг сидқ ва сафо ва туз ниятидин ...зоҳир дурур”. Ушбу сатрлар буюк мутафаккирлар ворислари бўлмиш ёшларимизнинг ҳам тафаккур имкониятлари кенглигига бир далилдир.

Президентимиз Навоий вилоятига амалга оширган ташрифларида ёшларга алоҳида эътибор қаратдилар. Уларнинг Янги Ўзбекистонни бунёд этишда алоҳида тиргак эканликларини таъкидлаб ўтдилар. Ҳазрат Алишер Навоийнинг асрлар оша айтган фикрлари ҳам бугунги ёшларнинг бунёдкорлик, яратувчанлик ҳаракатларига мос келади:

Ким ой уза қўйғасен қадамни,
Ким лавҳига чеккасен рақамни.

Ташриф доирасида “Ҳазрат Навоийни англаш – ўзлигимизни англаш” мавзусидаги танловнинг ташкил этилиши Навоий ҳикматларига, ўгитларига, тафаккур маҳсулларига мурожаат қилиш имкониятини янада кенгайтиради. Танловда кўпчилик ғолиб бўла олмайди. Лекин шуниси аҳамиятлики, тайёргарлик кўриш жараёнида кўплаб юртдошларимиз



Навоий ижодини чуқур англаб етиш имкониятига эга бўлади. Танлов зиёли бўлмаган қатламнинг ҳам Навоий ижодига бўлган қизиқишини оширади.

Навоий вилоятида “Алишер Навоий йили”нинг эълон қилиниши шу маъмурий ҳудуд аҳолисининг шоир ижодига бўлган янгича ёндашувларига асос бўлади. Навоий ижодига бағишланган турли кечалар, тадбирларнинг уюштирилиши буюк мутафаккир маърифатининг кенг қатламдаги аҳоли шуурига жо бўлишига хизмат қилади. “Алишер Навоий йили” нафақат буюк мутафаккир номи билан юритилаётган вилоятда, балки бутун республика миқёсида маънавий-маърифий тадбирларнинг кенг кўламда олиб борилишини, юртдошларимиз қалбига асрлар оша ўтиб келаётган умрбоқий ҳақиқатларнинг сингишини таъминлайди. Қолаверса, вилоятнинг Алишер Навоий маърифатини бутун республика ва айрим хорижий мамлакатлар бўйлаб кенг ёйиш ишларига етакчилик қилишини ҳам ифода этади.

Президент ташрифи Навоий вилоятида амалга ошириладиган кенг кўламдаги бунёдкорлик ишлари лойиҳасига ҳам асос бўлди. Аҳоли сайилгоҳлари, Навоий давлат университети, кўп қаватли турар жойлар, тадбиркорлик, ишбилармонлик, маиший хизмат кўрсатиш объектлари, кутубхона, ҳунармандлик устахоналарини ўзида жамлаган “Янги Навоий” шаҳарчасининг бунёд этилаётгани республикамизда яна бир маънавият-маърифат ўчоғининг яратилаётганини кўрсатади.

Амфитеатр, сунъий кўл ва фаввора, ёпиқ сузиш ҳавзаси, кутубхона, ресторан, кафелар, болалар ўйин майдончалари, йўл ҳаракати машғулотлари майдонини ўзида мужассам этган “Янги Ўзбекистон” боғининг барпо этилиши серқуёш замин манзараси ва ҳавосидан баҳраманд бўлиш имконини беради. Навоий вилоятининг транспорт воситаларида олтин қидириш ва қазиб олиш жараёнлари ёритилган махсус саҳналарни акс эттирувчи Dark Ride маркази нафақат республикамиз аҳолиси, балки хорижлик туристлар учун ҳам қизғин саёҳат майдонига айланади.

Алишер Навоий музейининг ташкил қилиниши, ижод маҳсуллари манзараси буюк мутафаккир асарлари таъсир доирасини янада кенгайтиради. Шоир ижодини янгича ёндашув асосида тадқиқ этишга, таълим босқичларида ўрганиш методологиясини такомиллаштиришга хизмат қилади. Мавжуд таълим муассасаси негизида ташкил этилган Навоий давлат университети ҳамда республиканинг таниқли навоийшунос олимлари буюк мутафаккир ижодига оид илмий-педагогик йўналишдаги тадқиқотларни тизимли равишда йўлга қўядилар.

Бизнинг университетимиз ҳам буюк мутафаккир номи билан аталади. Университетимиз ташкил топган санадан буён Алишер Навоий ижодини янги йўналишда тадқиқ этиш, хорижий тилларга таржима қилиш борасида кўплаб ютуқларга эришилди. Президентимизнинг Навоий вилоятига ташрифи асосида белгиланган чора-тадбирлар университетимиз жамоаси олдига ҳам масъулият билан амалга ошириш лозим бўлган бир қатор вазифалар қўйди. Алишер Навоий ижодини адабиётшунослик, матншунослик, тилшунослик йўналишда тадқиқ этиш, буюк мутафаккир ижодини ўрганиш юзасидан методологик жамланма, мультимедиа, компьютер ўйинлари, мобил иловалар ва электрон луғатлар яратишда университетимиз олимлари, таниқли навоийшунослари иштирок этадилар.

Ҳурматли Президентимиз Шавкат Миромонович Мирзиёев ҳақли равишда қайд этганларидек, “Буюк аждодларимизнинг бетакрор ва ноёб илмий-маънавий мероси биз учун доимий ҳаракатдаги ҳаётий дастурга айланиши керак. Бу ўлмас мерос ҳамиша ёнимизда бўлиб, бизга доимо куч-қувват ва илҳом бағишлаши лозим. Аввалambор, миллий таълим тизимини ана шундай руҳ билан суғоришимиз керак. Бунинг учун олим ва мутахассисларимиз, ҳурматли уламоларимиз бу маънавий хазинани бугунги авлодларга содда ва тушунарли, жозибали шаклларда етказиб беришлари зарур”.

Университетимиз олимлари Навоий педагогика институти профессор-ўқитувчилари билан илмий ва педагогик фаолият, илмий лойиҳалар, профессор-ўқитувчиларнинг малакасини ошириш тизимида ҳамкорлик қилиб келади. Президентимиз ташрифи ушбу ҳамкорликни янги босқичда, такомиллашган кўринишда давом эттиришга замин ҳозирлади.

Алишер Навоий асарлари фалсафий мушоҳадаларга, пурмаъно сўзларга, чуқур мантиқий хулосаларга бой бўлиши билан бир қаторда шарқ халқларига хос маданий муносабатлар, урф-одат, анъаналарни ёритишда ҳам муҳим ўрин тутади.

Алишер Навоий асарлари кўп йиллардан бери ўрганилмоқда. Ҳозирда олиб борилаётган тадқиқотлар буюк мутафаккир ижодининг янги қирраларини кашф этмоқда, ундаги ибратли фикрларни, ўтмишда айтилган бугуннинг гапларини илғаб олишга ёрдам бермоқда.

Глобаллашув даври, ахборотнинг тезкор узатилиш эҳтиёжи, техник воситалар такомили, электрон манбаларнинг кенг тарқалиши китобга эътиборнинг бироз сусайишига сабаб бўлгандек. Аммо бугуннинг зукко авлоди техник воситалар билан бир қаторда китоб мутолаасига ҳам жиддий эътибор бериш лозимлигини, аждодлар тафаккур зиёсини амалиётга татбиқ қилиш эҳтиёжини англаб етмоқда. Буюк аждодларимиз маънавият ва маърифат уйғунлигига алоҳида эътибор қаратганлар. Хусусан, жадид маърифатпарварлари ёшларни маънавият асосларини эгаллашга, билим олишга даъват этганлар.

Янги Ўзбекистон қудрати илм-маърифатли, маънавий жиҳатдан бой, ахлоқан тўкис ёшлар билан белгиланади. Бундай ёшларнинг сафини кенгайтириш, уларда китобга, мумтоз маданий меросга, миллий қадриятларга меҳр-муҳаббат уйғотиш зиёлиларнинг, педагогларнинг масъулиятли бурчидир. Ҳозирги вазиятда таълим-тарбия тизимини муайян мақсадга йўналтирилган тарзда ташкил этиш лозим, токи ёшларимиз Навоий даҳосидан ибрат олсинлар, тафаккур қудратидан ҳайратлансинлар, тенгсиз бадият намуналаридан баҳраманд бўлсинлар.

Алишер Навоий “Муҳокамат ул-луғатайн” асарида шундай ёзади: “...умидим улдур ва хаёлимға андоқ келурким, сўзум мартабаси авждин қуйи инмагай ва бу тартибим кавкабаси аъло даражадин ўзга ерни беганмагай”. Дарҳақиқат, улуғ шоир, мутафаккир, мислсиз ақл-идрок, тенгсиз маҳорат соҳиби Алишер Навоий сўзлари “авждин қуйи инмагай”, даҳо ижодкор асарларида акс этган умрбоқий ҳақиқатлар “аъло даражадин ўзга ерни беганмагай.”

Шуҳрат СИРОЖИДДИНОВ,
Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети ректори, академик


Зулхумор ХОЛМАНОВА,
филология фанлари доктори, профессор,
Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси

7 НОЯБРЬ – АБДУРАҲМОН ЖОМИЙ ТАВАЛЛУД ТОПГАН КУН



БАҲРАМАНДЛИК БАХТИ

Азалдан Самарқанд дунё цивилизацияси марказларидан бири ҳисобланади. “Замин сайқали” деб таърифланган бу шаҳардан кўп олим ва мутафаккирлар етишиб чиққан ва улар жаҳон тамаддуни ривожига салмоқли ҳисса қўшган. Биргина ҳадисшунослик йўналишида мингдан ортиқ муҳаддислар Самарқандда яшаб баракали ижод қилган. XV асрнинг буюк шоир ва мутафаккири Абдураҳмон Жомий ҳам бир муддат Самарқандда таълим олган ва дарс берган. У 21 ёшида нужум (астрономия) илми бўйича рисола ёзиб, Самарқандга жўнатади. Қозизода Румий бу рисолани ўқиб чиққач, Жомийнинг фавқулодда истеъдодини ҳисобга олиб, уни Самарқандга таклиф қилади.



Жомий шаҳарга келиб, Қозизода Румийдан математика, ҳисоб ва нужум илмларини ўрганади. Шунингдек, Али Қушчи ва Фазлуллоҳ Абулайс каби олимларнинг билим ва тажрибаларидан баҳраманд бўлади. У Ҳиротда бўлган пайтида ҳам самарқандлик олимлардан сабоқ олган. Академик Ботир Валихўжаевга кўра, Ҳиротда Жомийга Мир Сайид Журжонийнинг шогирди Мавлоно Алоуддин Али ибн Муҳаммад Қушчи Самарқандий дарс берган. У буюк олимлардан асосий илмларни ўргангандан кейин Мирзо Улуғбек мадрасасида 1452 йилгача фаолият юритган.

Қозизода Румий Мирзо Улуғбекнинг Самарқандда бўлиб ўтган мажлисида Абдураҳмон Жомийга ишора қилиб, бундай ёш заковатли инсон сўнгги 500 йил ичида Аму дарёсидан Мовароуннаҳр диёрига ўтмаганини таъкидлайди.

Мавлоно Абдураҳмон Жомий жаҳон илму маданиятининг бошқа буюк намояндалари каби барча халқларнинг севимли шоирига айланган. Унинг асарлари турли тилларга таржима қилинган ва нашр этилгани бунинг далилидир. Жомий тафаккури маҳсули ҳеч қачон бирор тил ёки давр билан чекланиб қолмаган. Ўзбекистонда ҳам Жомийнинг илмий ва адабий меросига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

2018 йили Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Тожикистонга ташрифи муносабати билан таниқли адабиётшунос Олимжон Давлатов сценарийси асосида “Абдураҳмон Жомий” номли фильм суратга олингани бу буюк мутафаккирга бўлган ҳурмат ва эҳтиром рамзидир.

Ўзбекистондаги кутубхоналарда Абдураҳмон Жомий илмий ва адабий асарларининг юзлаб қўлёзмалари нусхаси Самарқанд давлат университети кутубхонасида сақланади. Ҳозирги пайтда Ўзбекистон Фанлар академиясидаги Шарқшунослик институтида мутафаккир шоир асарларининг 550 та қўлёзма нусхаси мавжуд. Улар келгусидаги тадқиқотлар учун катта манба бўлиб хизмат қилади. Бундан ташқари, Жомий асарлари асосида ишланган миниатюралар ҳам музей ва кутубхоналардан жой олган.

Ўзбекистонда жомийшунослик кун сайин ривожланмоқда. Самарқанд давлат университети ва бошқа илмий тадқиқот муассасаларида Жомий асарларини ўрганиш ва тадқиқ қилиш ишлари изчил давом этмоқда. Яқинда СамДУ доцентлари С.Мажидова ва Д.Назарова тадқиқот ишларини Жомий ижоди бўйича ҳимоя қилганлари бунинг исботидир.

Мутафаккир шоирнинг 600 йиллиги муносабати билан Ўзбекистонда “Жомийнинг ижод олами” номли илмий мақолалар тўплами нашр этилди. Ундан Ўзбекистон олимларининг Жомий ҳаёти ва ижоди бўйича илмий мулоҳазалари жой олган.


2018 йилда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев сўзбошиси билан Жомийнинг “Муҳаббат маҳзани” китоби нашр этилди ва Тожикистон Президентига тақдим қилинди. Таниқли шоир ва таржимон Мирзо Кенжабек мазкур тўпламга мутафаккир шоир асарларининг энг сара таржималарини киритган. Айни пайтда Ўзбекистон Кинематография агентлиги ҳамда “Тожикфильм” ҳамкорлигида “Жомий ва Навоий” бадиий фильмини яратиш жараёни давом этмоқда. Бу икки халқ ўртасидаги дўстликни мустаҳкамлашга қаратилган ишлар бўйича муҳим қадамлардан бири ҳисобланади.

Мовароуннаҳр халқига Абдураҳмон Жомийнинг муҳаббати чексиз эди.

Унинг “Туҳфат ул-аҳрор” маснавийси ҳамда бошқа асарлари нақшбандия тариқати вакили, Самарқанднинг буюк алломаси Хожа Аҳрор Валийга бағишлангани халқимизга инсоний ҳурмат ва муҳаббати чексизлигини яна бир карра тасдиқлайди.

Хусрав ҲАМИДОВ,
филология фанлари бўйича фалсафа доктори

ИШОНЧ ВА ИЙМОН БИЛАН



Акмал САИДОВ,
академик

Ислом цивилизацияси марказида фаолият олиб бормоқда.

Сўнгги чорак асрдан буён ижодкор асосан тарихий-маърифий, тасаввуфий, адабий-ирфоний ва фиқҳий мавзуларда қалам тебратиб келмоқда.

Унинг “Термиз тазкираси” (2001), “Буюк Термизийлар” (2017), “Ҳазрати Қусам ибн Аббос – Шоҳи Зинда” (2017), “Бобур Мирзо асарларида арабий матнлар” (2018) каби тазкира ва рисолалари, “Дунёнинг муршиди” (2004), “Рисолаи волидиййа назмий таржимаси ва шарҳи” (2019), “Ошиқ Машраб ва тасаввуф олами” (2019), “Ёшларга дил сўзларим” (2021) каби тасаввуфий ва адабий китоблари халқимизга манзур бўлган.

Мутасаввуф ижодкор Мирзо Аҳмад Хушназар тахаллуси билан “Эътикоф” (2005), “Қабристон зиёрати одоби” (2005), “Мубайян ва насрий баёни” (2014), “Анворул-маносик” (2014), “Энг гўзал саловотлар” (2015) сингари фиқҳий-маърифий китобларни ҳам китобхонларга армуғон этган.

Мирзо Кенжабек таржима соҳасида ҳам ниҳоятда баракали ижод қилиб келмоқда. У моҳир мутаржим сифатида: форс тилидан Фаридуддин Атторнинг “Тазкират ул-авлиё” тазкирасини (1997), Зайниддин Восифийнинг “Тошкент таърифида маснавий” достонини (2002), Ҳофиз Шерозий, Саъдий Шерозий, Носир Хусрав Деҳлавий, Мавлавий Жунуний ғазалларини; араб тилидан Сирожиддин Усмон Ўшийнинг “Омолий” (1999) манзумасини ўзбек тилига юксак савияда таржима қилган.

Шунингдек, Абу Ийсо Муҳаммад ат-Термизийнинг “Сунани Термизий”, “Аш-Шамоили ал-Муҳаммадийя”, Муҳаммад Зоҳид Қўтқу ибн Иброҳим ал-Бурсавийнинг “Аҳли суннат вал-жамоат ақоиди”, Шайх Мавлоно Аҳмад Зиёуддин Кумушхонавийнинг “Жомиъ ул-мутун”, Абул-Футуҳ Шайх Аҳмад Ғаззолийнинг “Баҳрул маҳабба”, Маҳмуд Асъад Жўшоннинг “Ҳақиқий севги”, “Тасаввуф ва гўзаллик”, “Муршиди комил ҳикматлари”, Қутбиддин Изникийнинг “Муршиди мутааҳҳилийн”, Ҳожи Аҳмаджон Махдум Ҳанафий-Нақшбандийнинг “Рисолаи сужуди саҳв” каби илмий-маърифий ва ҳадис китоблари Мирзо Кенжабекнинг саъй-ҳаракатлари билан ўзбек тилига таржима қилиниб, халқимизга тақдим этилди.

Ушбу Мирзо Кенжабекнинг таржимаси Ислом маърифатига ошно халқимизни, айниқса, ўзини илм йўлига бахшида этган зиё аҳлларини жуда ҳам мамнун этади!

Қуръони Каримнинг ўзбек тилидаги навбатдаги таржимаси халқимиз учун муборак бўлсин.

Мазкур таржима Мирзо Кенжабек томонидан амалга оширилган энг муҳим ва катта илмий фидойилик натижасидир.

Хулоса шуки, Қуръони Каримнинг янги-янги қирраларини ўрганиш, уни янгидан кашф этиш давом этаверади. Янги Ўзбекистонда бу жараён янада фаоллашиб бориши табиий. Аввалги хато ва камчиликларни такрорламаган ҳолда тобора сифатли таржима ва тафсирларни таълиф этиш янги аср уламоларининг шарафли ва масъулиятли вазифаларидан бири. Бошқача айтганда, бу муқаддас ва улуғ Китоб билимдон уламолар томонидан кўп марта, қайта-қайта таржима ва тафсир қилинади ҳамда бўлажак ҳар бир тафсир ўз хусусияти, фазилати ва салоҳияти билан ўқувчиларга Аллоҳ таолонинг сўзини янада яхшироқ танишларига ҳамда уни чуқурроқ тушунишларига хизмат қилади.

Аллоҳ таолодан муқаддас Қуръони Каримнинг ушбу Мирзо Кенжабекнинг таржимаси – “Анворул-Қуръон: “Файзул-Фурқон” юртимиз мўмин-мусулмонлари учун, дунёдаги барча ўзбекзабон китобхонлар учун хайрли, баракотли, муборак айлашини тилаб қоламиз!

Бошланиши 1-саҳифада.

ҚУРЪОНИ КАРИМ ВА УНИНГ ТАРЖИМАЛАРИ

Қуръони Карим – буюк Роббимиз Аллоҳ таолонинг мўъжиза Каломи, ер юзини нурга, ҳидоятга, раҳматга тўлдирган муқаддас ва муборак Сўздир. Қуръон мусулмонлар учун дастуриламал – Муқаддас китоб, амал қилиб яшаладиган Илоҳий Қонундир. Қуръони Карим – “Меҳрибонлик” китобидир.

Қуръони Карим Аллоҳ томонидан Муҳаммад алайҳиссаломга туширилган ваҳийлар тўпламидир. Ваҳийлар деганда Аллоҳнинг Пайғамбаримизга жўнатган диний кўрсатмалари тушунилади. Қуръони Карим самовий китобларнинг охиргисидир. Қуръони Каримнинг илмий асосланган 66 га яқин номи бор. Қуръон, Фурқон, Бурҳон, Китоб, Зикр, Танзил, Нур, Мусҳаф шулар жумласидандир. 23 йил давомида нозил қилинган бу илоҳий китобда 30 пора, 114 та сура бўлиб, ҳар бир сура уч ёки ундан кўп, жами 6236 оятдан ташкил топган. Энг қисқа оятлар “Тоҳо” ва “Ёсин”, энг узун оят “Бақара” сурасининг 282-оятидир. Бу оятларда Аллоҳ оламдаги энг кичик зарралардан тортиб, бўлган ва бўлажак тарихий воқеа ва ҳодисалар тўғрисида Пайғамбаримизга хабар берган.

Қуръони Карим оятларининг 63 фоизини Маккада, 37 фоизини Мадинада нозил бўлган оятлар ташкил этади. Яъни Макка оятлари 4780, Мадина оятлари 1456, жами бўлиб 6236 оятдир.

Каломи шарифнинг тил ва баён жиҳатидан илоҳий мўъжизалиги у араб тилида ўқилиб, маънолари тушуниб борилганида тўла намоён бўлади. Бошқа ҳар қандай тилга ўгирилганда араб тилига хос хусусиятлар, назмий услуб, мафтункор оҳанг ва руҳий таъсир ўз кучини қисман бўлса-да, йўқотади. Таржимон ҳар қанча маҳоратли, тажрибали, ўз миллий луғатига бой бўлмасин, оятларнинг арабча ҳолатидаги мазмунини бошқа тилда мукаммал ифода этиши мумкин эмас. Араб тилида ўқиш ва мазмунини англаш эса ҳамманинг ҳам имконияти даражасидамас. Қуръони Каримни бошқа тилларга таржима ва тафсир қилиш ҳаракати анча қадимдан бошланган. Айниқса, араб бўлмаган халқларнинг Ислом динини қабул қилишлари бу ҳаракатда асосий омиллардан бўлган.

Иброҳим Ғафуров ҳақли таъкидлаганидек, “Қуръон ёлғиз араб тилли халқларнинг эмас, Ер юзидаги барча художўй, покдил, яхшилик туйғуси билан яшайдиганлар ва умрларни шулар билан ўлчайдиганларнинг мулки, маънавий-руҳий халоскор сўзи, умр довонларида энг мустаҳкам таянч”.

Қуръони Карим жаҳон халқларининг кўпгина тилларига ўгирилган. Шунингдек, ўзбек тилида ҳам бир неча таржима ва тафсирлар ёзилган.

Қуръоннинг дунёдаги кўплаб турли тилларга таржима қилиниши буюк маданий-маърифий ҳодисадир. Қуръони Карим жаҳоннинг 250 дан ортиқ тилларига кўп маротаба такрор-такрор таржима қилинган. Жумладан, инглиз тилида 120 га яқин, француз тилида 120 дан ортиқ таржималари мавжуд. Шунингдек, рус тилида 20 дан ортиқ, лотин, испан, немис ва бошқа тилларда ҳам кўплаб таржималари бор. Бу таржималарнинг баъзилари маълум тилда гаплашадиган мусулмонлар учун мўлжалланган бўлса, баъзилари эса мусулмон бўлмаган шарқшунос мутахассислар ва кенг ўқувчилар оммаси учун чоп этилган. Баъзи таржималар қизиқиш ва ўрганиб кўриш натижасида юзага келган бўлса, айримлари дўстона мақсадда – самимиёна чуқур исломий эътиқод натижасида юзага келган. Сир эмас, баъзи таржималар муқаддас Қуръони Каримни қоралаш, яъни душманлик мақсадида ҳам амалга оширилган.

Муқаддас Каломнинг туркий тилларда, жумладан, турк, татар, озарбайжон, қозоқ, қирғиз, туркман ҳамда форс тилларида ҳам кўплаб таржималари борлиги маълум. Қуръони Каримни умуман туркий тиллардаги таржима ва тафсирлари адади икки юздан ошиб кетади.

2004 йилда Ўзбекистонда Қуръони Карим кўзи ожизлар учун бўртма ҳарфларда, яъни брайл ёзувида – алоҳида кириш китоби билан чоп этилди. Бу нашр юқори сифати, бетакрор кўриниши билан ўқувчига ҳайрат бағишлайди. Шуни таъкидлаш керакки, дунёда Қуръони Каримнинг брайлча шакли Миср Араб Республикаси ва Тунис давлатларидан сўнг учинчи бўлиб нашр этилди.

ҚУРЪОНИ КАРИМ ЎЗБЕК ТИЛИДА

Туркий ўзбек тилида ҳам, тафсирлар билан қўшганда, Қуръони Каримни 10 дан ортиқ изоҳли ва шарҳли, тафсирли ва маънолари таржималари бор. Лекин бизнинг ҳисобимизча, соф тўлиқ таржима сифатида шу маҳалгача Қуръоннинг 6 та тўлиқ таржимаси бўлиб, булар жумласига қуйидагилар киради.

1. Саййид Маҳмуд Торозий – Олтинхон Тўра таржимаси (1994);

2. Шайх Ҳожи Муҳаммаджон Мавлавий Ҳиндистоний-Қўқандий таржимаси – “Баёнул Фурқон фи таржиматул Қуръон”;

3. Шайх Алоуддин Мансур таржимаси – “Қуръони Карим. Узбекча изоҳли таржима”;

4. Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф таржимаси – “Тафсири ҳилол” (1991);

5. Шайх Абдулазиз Мансур таржимаси – “Қуръони Карим маъноларининг таржима ва тафсири” (2001);

6. Шайх Усмонхон Алимов қаламига мансуб – “Тафсири ирфон” таржимаси.

Қуръони Карим маъноларининг илк туркий (эски ўзбек тилидаги) таржимаси 1956 йилда Саудия Арабистонидаги ватандошимиз Олтинхон Тўра томонидан, замонавий ўзбек тилидаги биринчи таржимаси эса Алоуддин Мансур томонидан амалга оширилди. Бу таржима Ўзбекистон маънавий-маърифий ҳаётида катта воқеа бўлди. Аввал “Шарқ юлдузи” журналининг 1992-1993 йиллардаги сонларида, кейинчалик “Чўлпон” ва Ғафур Ғулом номидаги нашриётларда миллионлаб нусхада чоп этилди.

Шунингдек, Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуфнинг “Ҳилол” тафсири ва алоҳида маънолар таржимаси юртдошларимизга Қуръони Каримни ўзбек тилида етказишда улкан воқеа бўлди. Тафсир ва маънолар таржимаси шундан кейин ҳам бир неча бор қайта-қайта нашрдан чиқарилди ва ҳамон мусулмонларнинг бу асарларга эҳтиёжлари сусаймаётир.

Шайх Абдулазиз Мансурнинг “Қуръони Карим маъноларининг таржима ва тафсири”нинг ўзига хос хусусиятлари қуйидагилардан иборат.

● У ханафий мазҳабига мансуб машҳур муфассирларнинг тафсир китобларига асосланган ҳолда тайёрланган. Бошқа мазҳабларга доир тафсифлардан ҳам керакли жойларда фойдаланилган. Фиқҳий масалалар бўйича тўрт мазҳаб ўртасидаги фарқлар имкон қадар қайд этиб борилган.

● Оятларнинг таржимасида арабча матн маъноси имкони борича сўзма-сўз ифода этилган. Қўшимча ёрдамчи сўз ва изоҳлар қавс ичида берилган.

● Тафсир китоблар ва бошқа фойдаланилган манбаларнинг номлари иқтибослардан кейин қисқартма шаклда рамзий ҳарфлар билан берилган.

● Ўқувчиларнинг фойдаланишига қулайлик яратиш мақсадида таржима ва тафсирлар Қуръони Каримнинг арабча матни билан бир саҳифада ёнма-ён берилган.

● Таржимон амалда бўлиб келган ёзув қоидаларига риоя қилган. Яъни 1990 йиллардан бошлаб, асосан, диний адабиётларда ўзгара бошлаган ўзбек ёзуви имлоларини қайта тиклаган.

Шайх Усмонхон Алимовнинг “Тафсири ирфон” таржимасида ҳар бир сура аввалида сура номининг изоҳи ва унда ёритиладиган мавзулар ҳақида қисқача маълумот берилган. Оятнинг арабча матни остига унинг ўзбекча ўгирмаси йўғон ҳарфларда берилиб, кейин тафсирга ўтилган. Оятлар кўп ўринларда бошқа оятлар мазмуни билан тафсир қилинган. Келтирилган маълумотларнинг манбалари кўрсатилган ва мўътабар асарлардан олинган. Суранинг фазилати ҳақида келган хабарлар бўлса, сура сўнгида илова қилинган.

Бундан ташқари, домла Маҳбубий-Марғилоний, Шамсиддин Бобохонов, Исматилла Абдуллаев ва бошқаларнинг фидойи таржима фаолиятлари уринишлари маҳсули ҳам ўқувчиларга етиб борди.

Исломшунос олим Муталлиб Усмон (профессор М.А.Усмонов) бошчилигидаги олим-шарқшунос (У.Уватов, А.Идрисов, И.Абдуллаев) таржимонлар гуруҳи томонидан “Қуръони Карим: таржима ва илмий тарихий изоҳлар” номи билан қилинган таржима тўлиқ чоп этилмагани ва кенг китобхонлар оммасига етиб бормагани боис уни алоҳида зикр қилмадик. Шунингдек, олдинги даврларда қилинган туркий таржима ва тафсирлар кенг халқ оммасига маълум бўлмагани сабабли, уларни ҳам алоҳида эслатиб ўтмадик. Биз фақат халқ истифодасига ҳавола этилган таржималарни назарда тутяпмиз, холос.

Шуни алоҳида қайд этиш зарурки, Қуръоннинг турли таржималари бир-бирини инкор этмайди, балки бир-бирини тўлдирадиган тарзда амалга оширилган. Барча таржималарнинг умумий хусусияти содда ва тушунарли замонавий ўзбек тилида янграганлигидир. Бир сўз билан айтганда, ҳар бир янги таржима эътироз натижаси эмас, балки ҳаётий эҳтиёж натижасидир. Шу билан бирга, ҳеч бир таржимон Аллоҳ таолонинг мўъжиза Каломини мукаммал таржима қилдим, дея олмайди, ҳеч ким бу даъвони асло қила олмайди ҳам. “Албатта, таржима ҳар қанча мукаммал бўлмасин, ҳеч қачон аслиятнинг ўрнини босолмайди. Таржима аслиятга тенглашолмайди”, деб таъкидлайди Иброҳим Ғафуров.

“АНВОРУЛ-ҚУРЪОН: “ФАЙЗУЛ-ФУРҚОН” ТАРЖИМАСИ ВА ХУСУСИЯТЛАРИ

Назаримизда, “Анворул-Қуръон: “Файзул-Фурқон” ўзбек тилидаги еттинчи тўлиқ таржимадир. “Файзул-Фурқон” таржимаси нашрига анча олдин, яъни чорак аср илгари рухсат берилган бўлса-да, моҳир таржимон Мирзо Кенжабек таржимани янада такомиллаштириш мақсадида уни кўп нусхада чоп этишга шошилмаган. Таржимоннинг ёзишича, ушбу таржима 2009 йил 19 март куни ниҳоясига етган, сўнгги таҳрири эса 2021 йил 6 апрелда тугалланган.

Энди савол туғиладики, Қуръони Карим маъноларининг еттинчи изоҳли таржимаси “Анворул-Қуръон: “Файзул-Фурқон” қайси жиҳатлари билан олдинги таржималардан фарқланади? Унинг асосий хусусиятлари нималардан иборат? Ушбу саволларга жавоб беришга ҳаракат қиламиз.

Маънавий-маданий, илмий-маърифий ва диний-эътиқодий соҳада ҳар бир даврнинг ўз талаблари бўлади. Мазкур таржима 2005 йил жуда оз нусхада чоп этилган бўлса-да, янги даврдаги янгича талабларга мувофиқ, янгидан нашрга тайёрланди.

Илм аҳлларига ва бутун халқимизга маълумки, муҳтарам Президентимиз Шавкат Мирзиёев бир неча маротаба Қуръони Карим маъноларини халқимизга тўғри етказиш, унинг маъно тафсирларига эътибор қаратиш зарурлигини алоҳида таъкидлаганлар. Бунинг устига, “Янги Ўзбекистон” ва “Янги Уйғониш даври” – “Учинчи Ренессанс” деган ибора ва шиорлар билан дадил қадам ташламоқда ҳамда олимларимиздан янгича куч-ғайрат ва жонли илмий-маърифий фаолиятни талаб этмоқда. Мазкур янги таржима ана шу ҳаётий талабларга муносиб ва мувофиқ бир фидойи фаолият намунасидир.

Таржимон Мирзо Кенжабек Қуръони Каримни таржима қилиш анъанасини давом эттиришдек, мураккаб ишни ўз зиммасига олиб, унга масъулият ва эҳтиёткорлик билан ёндашган, ўзининг бор дунёвий ва диний билим, бой ва кўп йиллик таржимонлик тажрибаларини бу хайрли ишга тўла сафарбар этган.

“Анворул-Қуръон: “Файзул-Фурқон”-нинг Мирзо Кенжабек таржимасидаги қуйидаги ўзига хос хусусиятларини кўрсатиш мумкин.

Биринчи хусусияти шуки, у тафсир сифатида эмас, балки изоҳли таржима сифатида амалга оширилган. Кўплаб оятларга берилган қисқа изоҳлар эса ўқувчига ёрдам бўлиши, муайян оятларни ҳаётга татбиқ этишда осонлик туғдириши учун тақдим этилган.

Иккинчи хусусияти. Таржимон ўзбек тилидаги барча мавжуд таржима ва тафсирлардан фойдаланган ҳолда, мазкур таржимада уларнинг энг яхши жиҳатларини жамлашга ҳаракат қилган. Бу гап кўпроқ таржиманинг тил хусусиятлари ва сўз бойлигига ҳам тегишлидир.

Учинчи хусусияти. Изоҳлар ва қавс орасида берилган қўшимча маъно ва таъвиллар Аҳли суннат вал-жамоат йўлининг энг саҳиҳ ва ишончли тафсирларига асосланган. Бу хусусиятни қуйидаги мисол билан кўрсатиш мумкин.

Илм аҳлларига маълум, Қуръони Каримда “муҳкам оятлар” ва “муташобиҳ оятлар” деган иборалар бор. Аллоҳ таоло Қуръони Каримни Оли Имрон сурасининг 7-оятида қуйидаги маънода айтади:

“(Эй Расулим!) Сизга Китобни (Қуръонни) нозил қилган Зот Удир. У (Қуръон)нинг бир қисми муҳкам (очиқ ва аниқ) оятлардирки, улар Китобнинг онаси (асли-тамали)дир; бир қисми эса муташобиҳ (маъноси махфий) оятлардир. Бас, қалбларида эгрилик бўлганлар фитна чиқаришни ва (ўз ҳавойи нафсларига кўра) таъвил қилишни истаб, ундан муташобиҳ бўлганларига эргашурлар. Ҳолбуки, унинг таъвилини фақат Аллоҳ билур. Илмда комиллик топганлар эса: “Унга иймон келтирдик, ҳаммаси Раббимиз ҳузуридандир”, дерлар. (Буни) ақли салим эгаларидан бошқаси фикрлай олмас”.

Муташобиҳ – луғатда “бир-бирига ўхшаган” демакдир. Истилоҳ (атама) сифатида эса маъноси биттадан ортиқ бўлиб, зоҳир (ташқи) маъноси билан тўлиқ англашилмайдиган ва ҳақиқий маъноси Аллоҳга ҳавола этиладиган калима ва ифодалар ёки кўп маънода келиш эҳтимоли бўлиб, улардан бирини таржиҳ этиб танлашда қийинчилик туғиладиган ифодалардир. Булар “Алиф. Лом. Мим”, “То. Ҳо” каби ҳуруфи муқаттаълар – маънодан узилган ифодалар, Аллоҳнинг “қўли”, “юзи”, “чангали”, “жаннат” ва “Арш” каби ифодалар ва “Басир ва Қодир” каби сифатлардир. Фақат кейинги олимлар бидъат аҳлидан бўлган мазҳабларга жавоб қайтариш учун булардан зарур деб топилганларига Исломнинг руҳига ва таъвил шартларига мувофиқ ҳолда маъно берганлар.

Тўртинчи хусусияти. “Анворул-Қуръон: “Файзул-Фурқон” китобида сўзма-сўз таржима қилиш мумкин бўлмаган, маъноси берк муташобиҳ оятлар энг мўътабар ва ишончли тафсирлар ҳамда Ақидага оид китобларда берилган таъвиллар асосида маънолари жиҳатидан таржима қилинган ва ҳар бир муташобиҳ оятга алоҳида изоҳлар ҳавола этилган. Шунингдек, олдинги таржималарда учраган баъзи ноаниқ ифодалар бу китобда баҳоли қудрат тузатиб ўтилган.

Бешинчи хусусияти. Ақида масалаларига тегишли бўлган оят ва иборалар қатъиян Аҳли суннат вал-жамоат ақидасига мос талаблар асосида, турли ихтилоф ва тортишувларга ўрин қолдирмайдиган даражада таржима қилинган ва таянилган манбалар изоҳда ёки қавс ичида илова этилган. Маълумки, айрим фиқҳий масалалар суннийликнинг тўрт мазҳабида турлича ҳал этилган бўлиши мумкин. Мазкур таржимада ибодатлар, мерос, никоҳ, талоқ каби барча фиқҳий масалаларда, ҳамма аҳком оятлари таржимасида Ҳанафий фиқҳига таяниб иш тутилган.

Олтинчи хусусияти. Китобхонлар оятлар маъносини тўғри ва тўлиқ тушунишлари учун деярли ҳар бир оят таржимасида қавслар очилиб, қўшимча маънолари баён қилинган. Оятлар маъноси қўшимча изоҳлар билан баён этилганда имкон қадар қисқаликка интилинган. Зарурат сезилганда, бир қанча оятларнинг шарҳ ва изоҳлари матн остида кичик ҳарфларда баён этилган.

Еттинчи хусусияти. Қуръони Каримнинг ўзгартириш мумкин бўлмаган баъзи истилоҳлари асл Қуръоний шакли сақлангани ҳолда, қайси ўринда қайси маънода келгани қавс ичида изоҳлаб ўтилган. Бундай тушунтиришлар кенг халқ оммаси учун, айниқса, ёшлар учун фойдали ва жуда зарурдир.

Юртимизда Қуръони Карим маъноларини англаш ва уни тўғри англатиш йўлида олиб борилаётган хайрли ишлар, тафсир ва ишончли таржималарнинг ортиб бораётгани эътиборга лойиқ. Мазкур Мирзо Кенжабек таржимаси ҳам ана шу йўлдаги илмий-маърифий фаолиятнинг хайрли ва савобли бир кўриниши ҳисобланади. Бунда таржимага “Жаҳолатга қарши маърифат билан курашиш!” шиори асос қилиб олингани бежиз қайд этилмаган.

Шу ўринда таржимон Мирзо Кенжабек ҳақида мухтасар маълумот бериб ўтишни лозим топдик.

Оташин шоир ва моҳир адиб, зукко таржимон ва қалами ўткир публицист Мирзо Кенжабек (Кенжабоев Мирза Тўйчиевич) 1956 йилда Сурхондарё вилоятида таваллуд топган. Ҳозирда Ўзбекистон

Қулф урсин мангулик ҳаётнинг гули



Муҳаммад АЛИ,
Ўзбекистон халқ ёзувчиси,
Давлат мукофоти лауреати

СОЗ

Шоирларда ҳар хил ҳолат бўлар намоён,
Улар гоҳи тошқин сойдай қуйилажаклар.
Гоҳи эса дардларини этгунча баён,
Туйғулари селгиб-селгиб тийилажаклар,
Тийилажаклар.

Хира тортиб қолдиму ё олам ранглари,
Сохтароқдек сасланурми булбул айтган роз,
Билиб бўлмас... Шоир ўзин қийнаган сари
На қуйилар, на тийилар қўлидаги соз,
Қўлидаги соз...

Ўйлаб кетар аразларга борган ёрини,
Аччиқ-тирсиқ, гина-кудрат, ноўрин зарда
Изғириндай жунжиктирар дил гулзорини,
Азоб чекар қалб минг турли иштибоҳларда,
Иштибоҳларда...

“Муҳаббатнинг умри боқий! – деб қўяди у, –
Миш-мишлардан юксакроқдир севги деган ҳис!”
Ширин дейди, Зуҳро дейди, у мангу туйғу
Юрагига тўлқин-тўлқин солар нурли из,
Солар нурли из!

Ўйлаб кетар ҳарбий хизмат кучоғидаги
Бурчин адо этиб юрган укасин шу он.
Яланг даврон эмас ахир қишлоғидаги,
Оти билан хизмат дерлар, батартиб достон,
Батартиб достон!

Ватан бурчи мард ўғлонга мардона шараф,
Умидини сенга тикмиш бу Она ўлка!
Буюк халқнинг авлодисан, бас, шунга қараб
Буюк Ватан хизматини ўтагин, ука!
Ўтагин, ука!

Ўйлаб кетар машъум Қўқон фожиасини,
Қизил қонга ботирилган инсон ҳуқуқин,
Эркнинг синмас, сўндирилмас сайроқ сасини,
Одамзотни лол этгувчи жадидлар руҳин,
Жадидлар руҳин!

Нелар учун жон чекдингиз, азиз боболар,
Не наф, сарфлаб ўз пулингиз мактаб очмоқдан?
Ҳа, Сиз Миллат деб этдингиз ўзни фидолар,
Бахт топдингиз шаксиз илм нурин сочмоқдан!
Нурин сочмоқдан!

Юракларга қадалганда заҳри қотил ўқ,
Марсияга бормади ҳеч қалам тутган қўл!
Жадид йўли эрк йўлидир, унга ўлим йўқ,
Бу миллатни олға элтар шон-шарафли йўл!
Шон-шарафли йўл!

Мана, Янги Ўзбекистон боғи – нурафшон!
Ҳумо қуши... Буюк зотлар... Гуллар тутингиз!
Таъзим ила, ғурурдан маст, кўнгилда туғён
Улуғларга бир-бир салом айлаб ўтингиз!
Айлаб ўтингиз!..

Ҳайҳот!.. Оппоқ қоғоз узра оқа бошлар шеър,
Қуйдиргувси, ёндиргувси не нурли хаёл,
Ўт ила сув, тупроқ, ҳаво, Осмон ила Ер,
Орзу-армон, қаҳру ғазаб, ўтмиш, истиқбол...
Ўтмиш, истиқбол...

Бирдан тиниқ торта бошлар олам ранглари,
Сеҳрлардан товланади булбул айтган роз.
Шоир ҳайрон... Ўз-ўзидан афсун сингари
Илҳом оқар, селдай оқар... Жаранглайди соз,
Жаранглайди соз!

ЭЙ ЗАМИН, ЁЛҒИЗИМ

Дунё харитасин чулғар хаёлим:
Олам меҳварини тутмиш Ғарбу Шарқ.
Икки яримшарни копток мисоли
Кимдир уриштирмоқ орзусида ғарқ...

Оҳ, оҳ, оқ кабутар момиқ қанотин
Мовий ҳаволарга нозик ёзади.
Ракета, дронлар сирли ва ботин
Қоп-қора фазода қабр қазади!

Самовот қаърида минг битта фалак,
Ақлни лол этар ғайри оламлар...
Бу ғайри оламлар ичра жонҳалак
Ушоқдек Замин бор, билинг, одамлар!

Сиз билган, биз билган оламтоб Офтоб
Коинот қўйнида кичик бир юлдуз.
Сизу биз сиғинган Замин ҳам ҳисоб
Бор-йўғи бир сиқим тупроқ деган сўз!

Бир ҳовуч кул бўлиб тўзғийсан наҳот
Дунёда ёлғизим, эй она Замин?
Дўзахга айланса бу гардун, ҳайҳот,
Ким унга куяру ким чекар ғамин?..

Замин она янглиғ танҳо дунёда,
Онадек меҳрибон, мағруру мунглуғ,
Тубсизу бесарҳад боқий самода
Фарзандидан ўзга бир илинжи йўқ.

Агарким, бир гулни синдирса шамол,
Баргларин тўзғитса турфа томонга,
Дилбандим дейдию дилида малол,
Ҳасрати сиғмайди ёруғ жаҳонга!

Ким кўз-кўз айлаган куч-кудратини,
Ким Ерга қўл сунмоқ айлайди хоҳиш?
Бетавфиқ Геростратнинг шон-шуҳратини –
Истаб қолган ким ул, қай феъли нохуш?

Билсун: қора қолур тарих қатида
Ношуд фарзандларнинг тавқи-лаънати,
Онани ўлдириб, қабри устида
“Эвоҳ!”, деб йиғлаган ўғил қисмати!

Дунё харитаси нотинч, беқарор...
Олам меҳварини тутмиш Ғарбу Шарқ...
Эй Замин, ёлғизим, ахир Худо бор,
Ўзи асрар шаксиз, Ўзи! Аналҳақ!

“Соҳибқирон” китобидан

1. АМИР ТЕМУР ВАТАНИ

Ўзига жаҳонни тамом қаратди,
Довруқли шаҳарлар айлади барпо.
Боғлари дунёга бўйлар таратди,
Ҳеч бирига номин қўймади аммо.

Ясама мақтовга муҳтожмас зинҳор,
Исмин ўзи шондан, шуҳратдан баланд.
Ахир номидайди улуғ бир диёр,..
Азиз номидайди бус-бутун Ватан!

2. ҚУРЪА МЎЪЖИЗАСИ

Етти йиллик сафар олдинда кутар...
Қўшин титратади олам-заминни.
Маликалар кўнглин безовта этар:
“Кимни олиб кетар Темурбек, кимни?..”

Адолат Темурбек ҳашматига зеб,
Ҳа, ҳа, адолатни ул тутар маҳкам!
Хонимлар кўнглини авайлайин деб,
Қуръа ташлаб танлар сафардошин ҳам.

Хонтахтада нақшин тўрт кутича жам,
Фақат биттасида бор тилла узук...
О, тақдир, қай ёрга айларкин карам,
Қай бахтли топаркин, қай кўзи сузук?

Гўзал Бибихоним боқади мағрур,
Унинг нигоҳида салобат, виқор,
Балқир Туман оқа, Чўлпон Мулкдай ҳур…
Бу ёқда ўн саккиз ёшли Тўкал бор...

Гўзаллар... Кўз эмас, қора чашмалар,
Ҳар бири умидвор, сафарга рози –
Қарашларда чақнар сир, карашмалар,
Сеҳрларнинг сеҳри, нозларнинг нози...

Мана, қўл узатар Сароймулкхоним...
У шаксиз топдим, деб кўнгли тўқ эди.
Қутичани очиб, тиниб қолар жим...
Қутичада тилла узук йўқ эди…

Сўнгра навбат етди Туман оқага,
Чўлпон Мулк оқага… Тақдир, ажабо,
(Ҳайронликдан қўлинг борар ёқага!)
Ҳеч кимга узукни кўрмади раво!..

Кенжа маликани толе сийлади,
Узук таққан қўли сочар эди нур.
Темурбек ичида мамнун ўйлади:
“Ўзим ҳам кенжасин тиловдим, шукр!..”

ДЎСТИМ БОР

Бир марта кўришдик,
Бир кўрган – таниш.
Бегона “таниш” деб
Ўртаниш, ёниш.

Икки бор кўришдик,
Бу энди айни,
Танишдан яқинроқ,
Яъни – “оғайни”.

Яна бир учрашиб
Қолдик арода...
Энди оғайнимас,
Бизлар – “Биродар”!

Тўртинчи галда-чи,
Вақтимиз ҳам чоғ.
Қучоқ очиб келди:
“Ўртоқ, – деб – Ўртоқ!”

Менга-чи, дўст керак...
Дўст керак менга!
Шунда осон бўлур
Она Ер, сенга!..

Дўстим бор, дўст билан
Бахтиёрдурман.
Дўстим бор, жаҳонда
Мен ҳам бордурман!

ШОИР ВА ОЛИМ

Шоир меҳмон бўлди олимга бир кун,
Олимни шеърлардан баҳраманд этди.
Олим гербицидни таърифлаб бутун:
“Илмий муждаларнинг сўнгиси!” деди...

Фермер даласига бориб кўрсалар...
Шоир ҳайратлардан ёқа тутди лол!
Гербицид сепилган ерда ғўзалар
Яшнарли қўл билан терилган мисол!

Ўзгача манзара қўшни пайкалда,
Чирмовуқ, ўт босган ғўзани буткул.
Бу ерга гербицид сепилмаган-да,
Бегона ўтларга очиқ эди йўл...

Бундайин то ҳануз кўрмаган хилқат,
Гербицид ҳикмати шундайин содда:
Ғўзалар устига сепсангиз, фақат –
Бегона ўтларни қуритар сатта.

Ноёб мўъжизага тан бермоқ-ку кам,
Аммоки талабим ўзгача бугун:
Одамлар қалбига сепадиган ҳам
Бирор модда ўйлаб чиқмайсиз нечун?

Қулманг, латифага тоқат йўқ асло!
Шундай модда бўлсин ҳаётдай зарур:
Сепганда яшнасин орзу-ҳаваслар,
Битсин манманлигу киборий ғурур!

Тиниб тура олмас шиддатли замон,
Барига қодирдир инсон идроки!
Эзгу хислатларни қолдириб омон,
Бадбин иллатларни йитирсин токи!

Пора балосию хиёнат – кўпдир
Элни ғорат айлаб топганлар фойда –
Жамият боғида бегона ўтдир,
Барин қуритмакка “гербицид” қайда?..

Баднафс, оч порахўр, мисли кўмир ул,
Қораси юқади, куйдирмаса ҳам.
Модданинг сеҳрли кучидан буткул
Нопок туйғулардан арисин олам!

Фитна тухумини эл аро сочиб,
Оқибат нелигин унутган нодон
Модданинг ҳаётбахш сеҳридан қочиб,
Кетсин йиркичларга, юрак-бағри қон!

Таъмаю хушомад ёвдир беомон,
Бадном этгувсидир инсонни охир.
Шира – ўсимликни этади хазон,
Занг ейди метиндай темирни ахир!

Нафратга нишондир қўрқоқ шуури,
Хатардир ҳамиша журъатсиз кўнгил.
Қўрқоқнинг қалбида бахтга ўрин йўқ,
Бугун қўрқоқ эса – эрта хоин ул!

Ҳасадчи юракни эта олсин соф,
Бахилнинг боғини тубдан кўчирсин.
Эътиқоди йўқни, бас, айлаб инсоф
Инсон ҳисобидан мутлоқ ўчирсин!

Ноёб мўъжизага тан бермоқ-ку – кам,
Ўзгача талабим айтурман такрор:
Одамлар қалбига сепадиган ҳам
Шундоқ шифо ўйлаб чиқмоқлик даркор!

Шундай шифо бўлсин ҳаётдай зарур,
Тоза кўнгилларга бахш этсин илҳом.
Қабоҳат, разолат – барин бир умр
Илдизин қуритсин, покласин тамом!

Бас! Қаро дилларнинг кесилсин йўли,
Оппоқ хаёлларга тўлсин бу само.
Қулф урсин мангулик ҳаётнинг гули,
Бизга кучоқ очсин мусаффо дунё!

БАХТ

Нариги соҳилда юрибди бир қиз,
Гилам дўппи узра турмакланган соч.
Суйкалиб келару пойига сассиз
Тўлқин олисларга отади қулоч.

Айқириб оқади тошқинли дарё,
Босиб кетмоқчидай бутун Ер юзин.
Ногаҳон илғайман тўлқинлар аро
Қизнинг ёнган қоп-қора кўзин!

Бу – сен-ку, йўқотиб қўйган хаёлим!
Қайиғимни шартта дарёга бурдим.
Иккита эшкакни қилич мисоли
Ҳиссиз тўлқинларнинг қаърига урдим!

Сен – ўша дунёга бергисиз орзу,
Сен – омол, умрга тож бўлсанг арзир!
Сен – эрксан, сен – дилда фаровон туйғу,
Сен – ишқсан, сен – оҳсан, сен – мангулик сир!

Бирдан рўбарўмда кўринди гирдоб,
Қаърига тортарди мени беаёв.
Қўл силкиб, ҳолимга куйиниб шу тоб
Ўтли кўзларига ёш олди дарров!

Бир томчи кўз ёши, бир бор хўрсиниқ,
Бир бора орзиқиш, бир чимдим меҳр!..
Оҳ, дарё мусаффо, осмон ҳам тиниқ,
Эҳ, қандай мўътабар, бу Замин, бу Ер!

Бошимга бахт, кулфат келгани онда
Бир томчи кўз ёшинг кўп кўрма, дилдор!
Токи мен мақтанай мағрур жаҳонга:
“Бебадал бахтим бор, дўстлар,
бахтим бор!..”

ҚАРДОШЛИК



“Олимга ёндашсанг, очилар кўзинг...”

Туркман халқининг мутафаккир шоири Махтумқули таваллудининг 300 йиллик юбилейига бағишланган Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон давлат катта академик театрида бўлиб ўтган адабий-маърифий анжуман чинакамига байрамона тус олди. Шоирнинг ҳикматларга тўла шеърлари, ибратли ҳаёт йўли эсланди.

Дарҳақиқат, шоирнинг бетакрор поэтик тафаккури ва жаҳон шеърияти хазинасига қўшган ҳиссаси Ғарбу Шарқдаги энг донгдор шоирлар улушидан асло кам эмас. Бу ориф, донишманд шоир ўз миллати бошидаги тож ва тожидаги маржон-марвариддир. Бу йил туркман халқининг фахри, маънавиятининг ойинаси бўлган Махтумқули Фироғий таваллудига 300 йил тўлади. Аслида бу бетакрор, аллома шоир фақатгина туркман халқининг эмас, бутун дунё аҳлининг, жумладан, ўзбек халқининг ҳам энг севимли ижодкори саналади.

Махтумқули шеърлари ўзига хос фалсафаси, бебақо дунё тавсифи ҳамда ўзига хос рубобий оҳанги билан ҳар қандай инсон қалбига йўл топади.

Қувонарлиси шундаки, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 2024 йил 19 февраль куни “Буюк туркман шоири ва мутафаккири Махтумқули Фироғий таваллудининг 300 йиллигини кенг нишонлаш тўғрисида” махсус қарорга имзо қўйди: “Махтумқули асрлар мобайнида халқимизнинг ўз шоирига айланган. Унинг шеърлари ўзининг теран фалсафий маъноси, халқона руҳи, юксак бадияти билан бахши ва ҳофизларимиз, шоирларимизга илҳом бағишлаб, ҳамиша давраларда янграб, эл-юртимиз қалбида яшаб келади.

Махтумқулининг ўз даврида Хивадаги машҳур Шерғозихон мадрасасида таҳсил олгани, Алишер Навоийдек буюк сўз санъаткорини ўзига устоз деб билгани халқларимиз ўртасидаги чинакам дўстликнинг ажойиб намунасидир.

Ўзбекистон ва Туркманистон ўртасидаги дўстлик ҳамда яхши қўшничилик муносабатлари тарихида янги давр бошланган ҳозирги пайтда Махтумқули Фироғийнинг ўлмас бадиий мероси халқларимиз учун янада муҳим аҳамият касб этмоқда”. Тарихий ҳужжатда жуда муҳим фикр-мулоҳазалар бор: дарҳақиқат, айни тарихий қарорга кўра Ўзбекистонда йил давомида илм ва ижод аҳли, мактаб ўқувчилари ва олий ўқув юртларининг талабалари Махтумқулининг ибратли ҳаёт йўлига, ҳикматлар билан йўғрилган бой адабий меросига кўп ва хўп мурожаат қилишди.

Махтумқули йилида кенг миқёсда халқаро анжуманлар ташкил этилди. Назаримда, бу донишманд шоир ўз ижодий мероси билан йил давомида қон-қардошлар қалбини бир-бирига яна ҳам мустаҳкам боғлайди; дилдош одамларнинг ўзаро дийдорига сабабчи бўлади. Шундай буюк бир шоирнинг дунёга келиши нафақат туркман ёки умумтуркий адабиётининг, балки дунё адабиётининг ҳам бахт иқболидир. Чунки туркман шеърияти, туркманнинг бебаҳо сўзи Махтумқули воситасида дунё адабиёти дурдоналари қаторидан жой олади; бепоён маънавият уммонига бориб қўшилади. Махтумқули – носиҳ шоир. Унинг нияти эзгулик, яхшилик ва насиҳатдир. Ўгитлари ўринли, маънили, мантиқли, умуминсоний моҳиятга эга, албатта. Зотан, шоир қуруқ насиҳатни ёқтирмайди. Энг аввал, инсон ўз сўзига ўзи амал қилмоғи лозим:

Гарчи насиҳатдир элларга сўзинг,
Эл олмасдан аввал амал қил ўзинг,
Олимга ёндашсанг, очилар кўзинг,
Жоҳилга ёндашсанг кўрдек бўларсан.

Олим билан жоҳил – кўзи очиқ одам ва кўр. Махтумқули шеърларининг фикр оқимида бундай тазодли ва таъсирли мисралар жуда кўпчиликни ташкил этади.

Махтумқули ўз шеърларида ҳар қандай инсонга хос энг улуғ фазилатларни, яхши сўзни юксак мартабада тараннум этади. Шоир таъбирича, инсон яхши сўз сўзлаши лозим ва агар билмаса, жим ўтиргани афзал. Дўстнинг яхши сўзи ҳақида: “Яхши дўст бир сўз деса, жон каби азиз бўлар”, дейди шоир. “Ақлинг бўлса, яхшиларга ҳамдам бўл”. Жуда зарур ўгит бу. Яхши инсон, яхши дўст, яхши қўшни, яъни бундай одамларнинг нияти яхшилик бўлади ва “кўнглида гина оз бўлади”. Саховатпеша, мардона қалб эгалари ҳамиша ҳурмат-иззатга муносиб эканини қайта ва қайта уқтиради шоир. Унинг фикрича, инсон ўзига, ахлоқига, руҳий борлиғига эътиборли ва ўз айтар сўзига эҳтиёт бўлмоғи лозим.

Махтумқули – ориф шоир. Ўқиган китобларини, шеърларида тилга олинган шарқ алломаларининг кимлигини яхши таниб олиш учун ҳам жуда катта билим захираси керак бўлади. “Ориф бўлсанг, сўз маъносин очарсан”. Жоҳиллик зидди бўлган орифлик – улуғ мартаба. Чинакам илм-маърифат аҳли – орифларгина шоир сўзининг маъносини англайди.

Алишер Навоийни ўзига устоз билган Махтумқули бадиий сўзининг қудрати ҳар қандай қиличдан кескир эканини билди. Яхши сўз қадрига етадиган дунёнинг барча ҳудудларидаги шеърият мухлислари, жумладан, Ўзбекистон халқи ҳам Махтумқулини худди ўз миллий шоиридек ардоқлайди. Шоир ўзини бир шеърида “сўз одамиман”, деб таърифлаган эди. Махтумқулидек башарият қалбидан чуқур жой олган улуғ шоир, яъни буюк “сўз одами”нинг уч юз ёши – таваллуд тўйи барчага муборак бўлсин.

Баҳодир КАРИМ,
профессор,
“Махтумқули Фироғийнинг 300 йиллиги”
медали соҳиби

ХУШХАБАР

Маълумки, Туркий давлатлар ташкилотининг 2021 йил 12 ноябрда Истанбул шаҳрида ўтказилган VIII саммитида Президентимиз ташаббуси билан ушбу тузилма доирасида Алишер Навоий номидаги халқаро мукофот таъсис этилган эди.

Туркий халқлар маданиятини янада ривожлантириш, уларнинг бебаҳо маданий қадриятларини асраб-авайлаш ва оммалаштириш, иқтисодиёт, фан ва таълим, соғлиқни сақлаш, туризм ва бошқа соҳалар ривожига беқиёс ҳисса қўшаётган шахслар ана шу нуфузли мукофот билан тақдирланиши белгилаб қўйилган.



НОБЕЛЬ СОВРИНДОРИ

НАВОИЙ МУКОФОТИГА САЗОВОР БЎЛДИ

Эътиборли жиҳати, ушбу хайрли ташаббус тез орада ўзининг натижасини берди. 2022 йил 11 ноябрда Туркий давлатлар ташкилотининг Самарқанд шаҳрида бўлиб ўтган навбатдаги саммитида атоқли қирғиз адиби Чингиз Айтматов ўзининг бебаҳо ижодий мероси билан туркий дунё бирлигига қўшган улкан ҳиссаси учун илк бор Алишер Навоий номидаги халқаро мукофот билан тақдирлангани эълон қилинди. Давлатимиз раҳбари Шавкат Мирзиёев Қирғиз Республикаси Президенти Садир Жапаровга мазкур мукофотни тантанали равишда топширдилар.

Яқинда мазкур совриннинг яна бир соҳиби эълон қилинди. Қирғиз Республикасининг Бишкек шаҳрида бўлиб ўтган Туркий давлатлар ташкилоти Ташқи ишлар вазирлари кенгаши йиғилишида туркиялик машҳур кимёгар олим Азиз Санжар Алишер Навоий номидаги халқаро мукофотга лойиқ деб топилди. Муҳими, Ташкилотга аъзо барча давлатлар унинг номзодини якдиллик билан қўллаб-қувватлаган.

Азиз Санжар 1946 йили Туркиянинг Мардин вилоятида туғилган. У Истанбул университетининг тиббиёт факультетини, АҚШнинг Техас университетида молекуляр биология соҳасида магистратура ва докторантура йўналишларини тамомлаган.

Бир неча йил Америкадаги машҳур Йелл университетида илмий ходим вазифасида ишлаган. 1982 йилдан буён ушбу мамлакатнинг Шимолий Каролина штатидаги Чапел Ҳилл университети профессори лавозимида фаолият кўрсатмоқда. Олим кўплаб илмий ишланмалар муаллифи саналади. 2015 йили кимё соҳасидаги оламшумул илмий кашфиёти учун халқаро Нобель мукофотига сазовор бўлган.

Қардош турк халқи олимни беҳад эъзозлаб, унинг ютуқлари билан фахрланади. Мардин шаҳри аэропортига Азиз Санжар номи берилгани ҳам шундан далолатдир.

Таъкидлаш лозимки, кейинги йилларда Азиз Санжар Ўзбекистондаги тегишли илмий муассасалар билан доимий ҳамкорлик қилиб келмоқда. У юртимизда ўтказилаётган халқаро илмий-маърифий анжуманларда фаол иштирок этиш билан бирга, бир қатор университетларда талабаларга қизиқарли маърузалар ўқимоқда.

Бир сўз билан айтганда, туркиялик атоқли кимёгар олим Азиз Санжарнинг илмий фаолияти яна бир юксак даражада эътироф этилиб, у Алишер Навоий номидаги халқаро мукофот билан тақдирлангани ҳақидаги хушхабар Ўзбекистонда ҳам катта мамнуният билан кутиб олинди.

Фурсатдан фойдаланиб, таниқли олимни чин дилдан қутлаб, унинг келгуси фаолиятига ҳам муваффақиятлар тилаймиз.

ТАҲРИРИЯТ

ДОНОЛАР ҲИКМАТИ

СЎКОНҒИЧНИНГ ДУОСИ

Инсон шуурига муҳрланиб қоладиган ҳикматлар, жуда оддий ва айни чоғда, ҳаётий, ибратли мисоллар умрбоқий китобларни безайди. Ўқувчига маънавий озуқа беради, руҳини юксалтиради; тозаликка ундайди. Алишер Навоий асарларини ўқиган одам янгидан-янги маънолар хазинасига йўлиқиб шодланади. Барчага маълумки, шоир "Насойим ул-муҳаббат" асарида кўплаб улуғ зотларни зикр этади. Уларнинг ҳаёт тарзи, ноёб инсоний фазилатлари, дунёқараши хусусида қисқа, аммо жуда нодир маълумотларни келтиради. Ўрни келганда ўша улуғ зотларнинг ҳикматларини эслаб ўтади.

Алишер Навоий "Насойим ул-муҳаббат"да жуда ибратли ҳикоят ва ривоятларни, ўзига хос "хориқул одат" зотларнинг карамотларини қаламга олади. Бир ўринда Бобо Пирий деган девонатабиат кишини эслайди. Унинг жазбалари ҳаддан ташқари кучли бўлиб, кўп ҳолларда у борлиқни унутиб, теграсидаги воқеа-ҳодисаларни назарига илмайди. Бу зотнинг ғалати бир одати бор: одамларни жуда ёмон, ахлоқсиз сўзлар билан ҳақоратлайди. Шу сабаб халойиқ ундан ўзини узоқ тутади.

Алишер Навоий ҳам Бобо Пирий масканига яқин келганда, йўналишини бошқа кўчага буриб, гарчанд бир оз узоқроқ бўлса ҳам, ўз манзилига айланма йўл орқали кетади. Бу ҳолатни бир неча бор кузатган топқир ҳамроҳи Навоийдан: "Ҳазрат, ҳар доим Бобо Пирийнинг манзилига етганда йўлни бошқа томонга буриб кетасиз. Бобонинг олдидан ўтмайсиз, бунинг сабаби нима?" деб сўрайди. Шунда Навоий: "Бобо Пирий жуда адабсиз сўзлар билан одамларни сўкади, ҳақоратлайди, менга шу қилиғи хуш келмайди. Унинг фаҳш сўзларини эшитишни истамаганим учун йўлни бошқа томонга бураман", дейди. Шунда ҳамроҳи: "Айтишларига қараганда, Бобонинг каромати бор эмиш. Ёнига бир ўтиб кўрайлик, агар пирлиги рост бўлса, сизга беадаблик қилмагай", деб Навоийни имтиҳон йўлига бошлайди.

Алҳосил, бир куни Навоий Бобо Пирийнинг олдидан ўта бошлайди. Буни қарангки, Ҳазрат Алишер Навоийни кўрган Бобо Пирий бирорта беадаб сўз айтмайди. Нигоҳлар учрашади ва бир лаҳзалик сукутли суҳбат содир бўлади. Бобо кўнгил кўзи билан тоза иймон дарёсининг мавжларини кўради. Кундалик одатига тескари ўлароқ унинг қўли кўксида, тавозе ва ним табассум билан Алишер Навоий ҳақига дуолар қилиб қолади...

Бу воқеа кишини тафаккур қилишга ундайди. Алишер Навоийдек улуғ шоир қалбини, маънавий оламини бирваракайига ҳаммани бўралаб сўкадиган Бобо Пирий ҳис қилади. Сўконғич тили ҳазрат Навоий қошида дуога мубаддал бўлади. Кўнгил кўнгил билан сирлашади; маънавий ришталар ичу тошдан боғланади; нурлар туташади, руҳлар дийдорлашади, диллар ғойибона гурунглашади.

Беадаб девона бехушлик, ақлсизлик, нодонлик манзилидан дуогўйлик мақомига кўтарилади. Баъзан тош қотган юрак, сўфинақш зиёлимонанд нафс бандалари инсон кўнглини англамайди. Дўст кўнгли билан ҳисоблашмайди. Зотан манфаатлар тўқнашган, нафс жилови қўлдан чиққан, кўзлар ўғринча ўйноқлаган муҳитда кўнгил қораяди. Оралиқда ҳайбатли деворлар пайдо бўлади. Юракни ваҳшат булути қоплайди. Гоҳида одам одамни англамайди, англашни истамайди. Ҳолбуки, кўз кўнгилдан, кўнгилдаги иймон булоғидан сув ичсагина одамнинг назари тирилади. Аслида, кўз илдизи кўнгилда бўлади. Алишер Навоийнинг олий даргоҳида бундай тафаккур дарслари узлуксиз давом этажак.

Б.НУРМУҲАММАД

Бошланиши 1-саҳифада.

Шаҳарлик одамнинг чорва тўғрисидаги тушунчаси қишлоқ одаминикидан фарқли. Шаҳарликлар асосан истеъмолчи, қишлоқ аҳли эса ҳам етиштирувчи, ҳам истеъмолчи. Гап оҳангидан шаҳарлик танишим қишлоқ одамларини инсофсизга чиқараётгандай.

Аслида ҳақиқат қаерда?

...Жияним даллоллик қиладиган Боғот тумани марказидаги "мол бозори" таърифи дарё ошган – Амударё ортидаги Тўрткўл, Элликқалъа ва Беруний туманларидан ҳам харидорлар келишади. Фақат харидорлар эмас, ҳафтанинг чоршанба куни қайнайдиган бозорга сотиш учун чорва моллари ҳам келтиришади. Айнан ушбу бозор дарёнинг икки қирғоғида яшовчи аҳоли учун қўй-қўзи, қорамолу эчки нархларини белгилайди. Ва, албатта, гўшт нархини ҳам.

Жияндан кўпинча ҳар ҳафталик бозордан сўнг чорва нархи ҳақида сўрайман. Бу шунчаки қизиқиш эмас – хонадонимизда ҳамиша икки-уч бош сигир боқилади. Камида икки йилда бир бош ҳўкиз ёки ғунажинни бозорга чиқарамиз.

Куни-кеча одатимга кўра чорва моллари баҳоси билан қизиқдим. Жияним бош чайқади: "Кеча бозорда молни ер кўтармади – баҳоси оёқости бўлди. Тўрт ой олдин саккиз миллион сўмга олиб, сўқимга боққан ҳўкизни шу баҳодан оширмадилар, қайтариб олиб келдим".

Жияним бозордаги арзончиликни вақт ва зарурият боғлайди. Воҳа қишлоқларида яшовчи аҳоли баҳор бошламасида қўлида ортиқча пул бўлса мол харид қилади. Сабаби, илкида қўшимча томорқаси бор – чорва учун емиш тайёр. Олти ой боқилган буқача кеч кузда харид қилинган нархидан икки ҳисса кўпроққа кетади. Буям бир тадбиркорлик-да!

Кузда воҳада чорва моллари нархлари кескин тушади. Сабаби, кўпчилик ёз бўйи боқилган буқа-ю сигирларни бозорга солишади. Кимлардир фарзанди учун таълим контрактини тўлаши керак, кимлардир тўй бошлаб қўйган. Яна қиш совуқ келса... кексалар айтмоқчи: "Чорва ўз хунини ейди".

Айни тўкинлик шу дамда бошқа бозорлардаги каби мол бозорларида ҳам кузатиляпти, аммо...

...Гўшт нархи ноябрь ойига келиб бирданига осмонга сапчиди. Муқаддам канорада мол гўшти 80 минг сўмдан сотилган бўлса, ҳозирда 110 минг сўмга чиққан. Нега?

Айримлар наздида бозордаги нарх-наво пенсия ва ойлик маошларнинг ошишига боғлиқ. Пенсиялар сентябрь, ойлик маошлар эса октябрь ойидан оширилди – 15 фоизга. Агар шундай бўлганида бир килограмм гўшт нархи 90 минг сўмнинг нари-берисида бўлиши керак эди-ку!

Шу ўринда бозордаги нарх-навони АҚШ долларининг расмий курси белгилаши ҳақидаги носфуруш билан боғлиқ латифа эсга тушади:

"Нега носингиз қимматлади?"

"Доллар кўтарилди-да, иним!"

Айрим инсофсиз савдогарлар ҳақида тўқилган бу латифани эътибордан соқит қилмай турайлик-да, бир саволга жавоб излайлик: нега кутилмаганда гўшт нархи кескин кўтарилди?

Буни чорва озуқаси қимматлиги билан боғлайдиганлар бор. Тўғри, бугун дон комбинатларида ун чиқариш жараёнида чиқадиган буғдой кепаги буғдой нархидан юқори. Бу номутаносиблик сабаблари ҳақида масъуллар изоҳ беришганига кўзимиз тушмади. Ёки пахта чигитидан олинадиган кунжаранинг баҳоси пахта нархи даражасида. Шундан айримлар кепак олмай, буғдойнинг ўзини майдалаб чорвасига едиришни маъқул кўришади. Бугун бир килограмм сабзи бир ярим минг сўмдан сотилмоқда. Сўқимга чорва боқаётган кўпгина хонадон эгалари сабзидан ҳам чорва озуқаси сифатида фойдаланишга ўтишган. Ҳам арзон, ҳам чорвага юқумли.

Икки йил олдин воҳада етиштирилган шоли поясини чорва озуқаси сифатида ҳар кипи(боғлами)ни 12 минг сўмдан харид қилиш мумкин эди. Бугун эса бир кип сомон 5-6 минг сўмдан сотиляпти. Ёз давомида буғдой сомони ҳам ўтган йилгидан анча арзон сотилди.

Одатда, чорва моллари нархини унинг озуқаси белгилаши керак. Бугун чорва озуқаси ўтган йилларга нисбатан анча – деярли икки ҳисса арзонлашган, аммо чорва маҳсулоти ҳисобланмиш гўшт баҳоси юқорилаб боряпти.

Ва яна чорва маҳсулотлари нархини уларнинг сони белгилайди, албатта. Бугун воҳа қишлоқларида яшовчи аҳоли илкида вилоятдаги барча чорва фермерлари илкидагидан бир неча ўн баравар кўпроқ мол-қўй бор. Ер майдонларининг аксари қумликдан иборат Тупроққалъа туманида воҳа аҳлининг неча ўн минг бош қўй-қўзилари боқиляпти. Айнан шу ҳудудда яйловлар ташкил қилингани сўнгги уч йилда воҳада қўйлар бош сони кескин ошишига замин яратди. Ўтган йили эълон қилинган расмий маълумотда аҳоли хонадонларида боқилаётган қорамоллар сони салкам тўққиз юз минг бош деб кўрсатилган. Бу аниқ рақам эмас, сабаби – аксар хонадон эгалари чорва бош сонини яширишади – "бош сонига қараб солиқ солишади", деган гумонга боришади. Бир вақтлари – совет замонларида юритилган шундай сиёсат таъсири ҳалиям яшовчан.

Аҳолининг гўшт маҳсулотларига бўлган талабини тўла қондириш мақсадида сўнгги йилларда воҳада товуқчилик, қуёнчиликка асосланган тадбиркорлик авж олди. Қишлоқ аҳолисининг аксари ҳам товуқ боқишни маъқул кўришади. Буни ҳар йил баҳорда жўжа чиқарадиган тадбиркорларнинг қўли-қўлига тегмаслигидан ҳам билиш мумкин. Шу сабаб бугун қишлоқ дўконларида товуқ гўшти йил давомида сотиляпти. Яна қўй ва мол гўштига қараганда анча арзон. Истиқлолнинг дастлабки даврларида бир килограмм балиқ бир килограмм гўшт баҳосига тенг эди. Ўтган даврда воҳанинг Қорақумга чегарадош бўш ётган ерларида юзлаган сунъий кўллар қазилди – балиқчилик тезкор ривожланди. Шундан бугун балиқ нархи гўштдан деярли тўрт марта арзон. Ҳар бир бозорда алоҳида "балиқ маҳсулотлари" павильонлари ишлаб турибди. Балиқчилик билан шуғулланаётган тадбиркорлар ўз маҳсулотларини маҳаллама-маҳалла юриб сотишни йўлга қўйишган.

Бозорда баҳони эҳтиёж ва талаб белгилайди, дейилмиш ёзилмаган қонун бор. Шу ўринда аҳолининг даромадлари ошгани сабаб гўшт маҳсулотларига бўлган талаб ҳам ошганидан кўз юмиб бўлмайди. Бир вақтлар – атиги чорак аср илгари қозони ҳафтада бир марта гўшт кўрадиган хонадонлар бугун гўштсиз овқат пиширишмайди. Камида иккита гўштли овқат тортиладиган давралар – турли тўйу тадбирлар роса урфга кирди.

Талаб ошгани нархга таъсир қилдими? Бирданига-я? Одатда нарх-наво мавсумга қараб секинлик билан ошиб бориши керак эмасми? Кўп йиллари шундай анъана кузатилаётганди.

...Кутилмаганда гўшт баҳосининг кескин ошгани ҳукуматимиз назаридан четда қолмади.

Президентимиз яқинда масъулларга гўшт ва картошка нархларини назорат қилиш бўйича топшириқ бердилар.

Юртбошимиз топшириғи ижросини таъминлаш учун маҳаллий ҳокимликлар кўрадиган тезкор чоралардан бири – чорва фермерларига мавсумий ярмаркалар ташкил қилиш ва арзон гўшт сотишни йўлга қўйиш бўлади. Бир қараганда бу тадбир айни муддаога ўхшайди, аммо унинг ножоиз томонлари ҳам талайгина. Чорваси учун озуқани қиммат баҳоларда олаётган фермерлар ўзлари етиштирган гўштни бозордагидан арзон сотишга осонликча рози бўлишмайди. Бўлишса-да, бу узоққа чўзилмайди – ҳар фермер бир бош ҳўкизини сўйиб сотади ва "топшириқ бажарилгани" ҳақида ҳисоб беради. Айрим чорва фермерлари топшириқни бажаришда "нақд пул айланмаси усули"ни қўллашади, яъни таниш қассобга кунлик тушуми зарарини қоплайдиган миқдорда пул таклиф қилишади. Ўртадаги фарқни қоплайдиган пулни олган қассоб белгилаб берилган нархда, яъни гўштнинг ҳар килограммини 80 минг сўмдан сотади. Бундан харидор ва қассоб манфаатдор бўлади, етиштирувчи эса зарар кўради.

Кўп бора гувоҳ бўлганмиз – гўшт расталарида нарх кўзга кўринадиган қилиб ёзиб қўйилади "Ҳар килограмми 80 минг сўм", аммо қассоб тарозига тортгач, албатта, устига ўша устамани қўяди. Норози бўлган харидорга тушунтиради: "Бизларга ҳокимликдан топшириқ берилди, уларни молни қанчага олганимиз, бошқа харажатларимиз қизиқтирмайди. Агар улар айтган нархдан сотсам уйим куяди-ку!"

Байрамлар арафасида ташкил қилинадиган озиқ-овқат ярмаркаларида белгиланган нархлар аслида сунъий – маҳсулот таннархидан келиб чиқиб белгиланмайди. Бир томонни норози, яна бир томонни рози қилиш усули ҳеч қачон кутилган самара берган эмас.

...Ўтган асрнинг саксонинчи йилларида туман халқ назорати ташкилоти аъзоси бўлганман. Туман халқ назорати ташкилоти ҳар ойда бир марта "бозордаги гўшт нархини назорат қилиш учун" ишчи гуруҳи тузарди. Ишчи гуруҳи аъзолари мол бозорига бориб, сўқимга боқилган бир бош ҳўкизни савдолашиб харид қилишар ва уни кушхонада сўйиб, неча килограмм гўшт бериши, ҳар килограмми неча сўмдан тушиши, яъни таннархни аниқлаш асосий мақсад бўларди. Ишчи гуруҳ ўрганган ҳолат бўйича тузилган баённомада молнинг баҳоси, қассобнинг бошқа харажатлари (йўл ҳақи, электр энергияси истеъмоли, тўлайдиган солиғи) ҳисоб-китоб қилиниб, шундан ҳақиқий таннарх қанча эканлиги акс этар, бу йўриқнома вазифасини бажариб, қассоблар бир килограмм гўштни ҳам шу баҳодан юқори сота олишмасди. Ишчи гуруҳининг ҳар ойда бир марта шундай тадбирларни ўтказиши мавсумга қараб чорва моллари баҳоси ошиб ёки пасайиб туришини кўрсатарди.

Ҳозир-чи?

Эски даврдан мерос барча усткурмаларни йўққа чиқаришга устамиз. Аммо совет даврида қўлланилган бу усул аслида ўтмишдан – хон замонларида қолганини унутамиз. Хонлик даврида ҳам нарх-навони назорат қилишда айнан шу усул қўлланилган, бу орқали бозорларда нарх-наво кескин сапчиб кетишининг олди олинган. Бунга йўл қўйган инсофсиз савдогар аҳли қаттиқ жазоланган.

Хўш, бугун шу қадим амалиётга қайтиш қийинми? Қолаверса бу жуда мураккаб жараён ҳам эмас. Ҳокимлик тузган ишчи гуруҳи ҳеч бўлмаганда ойда бир марта чорва маҳсулотлари таннархини аниқлаши ва баҳони шундан келиб чиқиб белгилаши ва савдони қатъий назорат қилиши керак. Айни пайтда ҳокимлик ўз ҳудудидаги дон комбинатлари ҳамда чорва озуқаси ишлаб чиқаришга ихтисослашган тадбиркорлар сарф-харажатларини ҳам шу йўсин назоратга олиб, асл таннарх ва сотилаётган баҳоси ўртасидан тафовутни аниқлаштириши шарт!

Шунда кабоб ҳам, сих ҳам куймайди... шаҳарлик танишим ёзғиришларига ўрин ҳам қолмайди.

Юқоридаги кузатувларимдан чиқарган хулосам – бугун гўштнинг қимматлагани табиий ҳолат эмас, балки кимларнингдир манфаати учун ўйлаб топилган сунъий ҳосила.

Рўзимбой ҲАСАН,
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси



БОЗОР ТАЛАБИМИ ЁКИ СУНЪИЙ ҲОСИЛА?

МИЛЛАТ ФИДОЙИЛАРИ

ТЎРАҚЎРҒОН ТЎРАСИ ТЎҒРИСИНДА

Тонгда Наманган сори юзландик. Исҳоқхон Тўра Ибрат музейига! Кетарканмиз йўлчиликда анқонинг уруғи бўлган юқори дидли ҳайдовчи учраганига бир севинсак, тўлқинида оқизаётган қўшиқларда минг яйрадик. Йўл давомида ҳазрат Лутфийдан тортиб Шоҳ Машрабгача ҳамроҳимиз бўлди. Буни ҳам Ибрат домла зиёратининг хосиятига йўйдик. Ниҳоят, қадамимиз Тўрақўрғонга етди. Дастлаб, Исҳоқхон Ибрат музейига ёндош боғ қарши олди бизни, кўнглимиз гуркиради. Ибрат домланинг ҳайкаллари қошида ҳайкалдек қотдик.



Унинг атрофида мунчоқ кўзли қушчалар, чарх уриб, қуйидаги сатрларни хиргойи қиларди гўё:

Умрингиз бўлсун дароз, ҳам бахтингиз
бўлсун кушод,
Охуни барпо билан қўша қаринг,
хуш келдингиз...

Бироз нарида соқоллари узун, қошлари қора ва қалин, юзидан нур ёғилиб турган отахон кўринди. Ё тавба! Исҳоқхон Тўранинг шахсан ўзлари-ку?! Уйқи кам бўлдимикин? Кўзимизга кўринган рўёмикин бу? Кўрсаткич бармоқнинг орти билан қовоғларни ишқай кетдик. Тасвир бир хиралашиб, секин-аста ўшал азиз сиймо яна пайдо бўлди. Бир пайт денг, майин овозда саломлашиб, қўл чўзиб қолса бўладими?!

– Яхши келдингларми? Сиз билан телефонлашганмидик?

Э-ҳа! Бўлди, бўлди! Машинадаги оромижон қўшиқлар хаёлни анча чалғитиб қўйибди. Қаршимизда турган муҳтарам зот Ибрат домланинг чевараси – Исломхўжа Сулаймонов бўладилар-ку?! Қайта саломлашдик. У киши бизни музей томон бошлади.

Исҳоқхон Ибрат музейи Тўрақўрғон туманидаги маданий мерос объекти бўлган Ғойибназар Қози мадрасаси негизида ташкил этилган. Чунки бу мўъжаз масканда Ибрат домла йигирма йилдан ортиқроқ вақт мобайнида қозилик қилган. Мана шу эшикдан кириб-чиққанларнинг арз-додини тинглаб, мушкулини осон этган. Музей бир неча бўлимдан иборат.

ИЛМИЙ, АДАБИЙ МЕРОС ВА ШАХСИЙ БУЮМЛАР

Аввало, музей экспонатлари қандай йиғилганига қизиқдик. Исломхўжа Сулаймоновнинг айтишича, музей ташкил этилиши тўғрисида қарор чиққач, ишчи гуруҳ Ибрат домланинг авлодлари билан ҳамкорликда иш олиб борган. Улар эса ўзларида мавжуд бўлган буюмларни музейга тақдим этган. Сиз айнан қайсиларини келтиргансиз, деганимизда учта буюмни кўрсатдилар:

Бамбукдан ясалган хасса. Биламизки, Ибрат домла “Луғати ситта ал-сина” яъни олти тилли луғат яратиш мақсадида Истанбул, София, Афина, Рим, шунингдек, Кобул, Макка, Калкутта, Бомбей, Қашқар каби шаҳарларда бўлган. Бунда олис ва машаққатли сафарда ҳамроҳ бўлган хасса авлоддан-авлодга ўтиб, Исломхўжа отанинг узоқ қариндошларида сақланиб қолган.

Миллий нақшлар туширилган белбоғ. “Бу чорсини Исҳоқхон тўра Ибратнинг набираси, волидаи муҳтарамамиз Маъсудахон Баққосова берганлар. Йиллар давомида кўз қорачиғидек асраб, охири шу ерга топширдик.”

Ёғочдан ишланган қадимий қаламдон. “Бу қаламдон ҳам бизда сақланарди. Булардан ташқари мис обдаста ҳам бор. Уни аммамиз Зарифахон берганлар. Буни ҳам Ибрат бобомизнинг шахсан ўзлари ишлатганлар”, дейди мезбон.

Навбатдаги ветринада Исҳоқхон Ибратнинг ўзи ва оила аъзолари тушган суратлар сақланади. Унинг ёнида эса маърифатпарвар шоир тузган шажара турибди. Ушбу ҳужжат йигирмадан ортиқ қозиларнинг муҳри билан тасдиқланган. У Ибрат домланинг аждодлари Хожа Аҳмад Яссавийга бориб тақалишини исботловчи ҳужжат ҳисобланади.

Ибрат тахаллусимдур,
аҳфоди Ҳазрати Султон,
Шуҳратда – Ҳожи тўра, маъвоси – Тўрақўрғон.

Бу ерда ип йигирувчи чарх ҳам мавжуд. Бу экспонат Ибрат домланинг оила аъзоларига тегишли бўлган. Деворга осилган танбур ва унинг остида турган қизил патефон эса домламизнинг мусиқа шайдоси бўлганидан далолат бериб турибди. У киши чет эл сафарларида тирикчилик қандай бўлган деган саволга шу ерда сақланаётган қўлёзмалар жавоб беради. Ибрат домланинг ҳуснихатлари жуда чиройли бўлгани учун у киши турли китоблар, хат-ҳужжатлар, шунингдек, қабртошларни кўчириб бериш орқали сафар харажатлари учун етарли пулга эга бўлган.

Ибрат домланинг саёҳатлари акс этган харитага қараб, ҳайратимизни яшира олмадик. Унинг ёнидан Исҳоқхон Ибрат авлодларининг расмлари жой олган.

ИЛМИЙ МЕРОС

Бизни кейинги бўлим билан музей директори Отабек Мақсуджонов таништирди. Кираверишда хона ўртасида жойлаштирилган Ибрат домла яшаган хонадон макети кўзга яққол ташланади. Унда аркка туташ бино, ичкари ҳовли ва “усули савтия” мактаби гавдалантирилган. Улар ортида каттагина боғ ва фаввора (!) ҳам бўлган. Ҳозир мазкур хонадондан фақатгина кираверишдаги арк сақланиб қолган.

Бугун тил ўрганиш учун шароитлар етарли. Ваҳолангки, Ибрат домла бугунги шароитларсиз ҳам араб, форс, рус, ҳинд, урду, инглиз, француз тилларини яхши билган. Бунинг устига энг қадимий финикия, яҳудий, сурия, юнон ёзувларини ўрганган. Тирик тиллар-ку, майли, лекин деярли мулоқот қилинмайдиган юнон тили-чи? Ҳамма гап ўша тилда қадимги юнон олимлари ёзиб қолдирган ноёб асарларни ўқиш, ўрганиш иштиёқи кучли бўлганида!

Бу бўлимдан жой олган “Луғати ситта ал-сина” (“Олти тилли луғат”), “Жомеъ ул-хутут” (“Хатлар мажмуи”), “Тарихи Фарғона”, “Тарихи маданият” , “Мезон уз-замон” (Замон тарозуси), “Санъати Ибрат, қалами Мирражаб Бандий” каби ўндан ортиқ тилшуносликка оид, илмий-тарихий ҳамда маърифий асарлар, харита ва қўлёзмалар узоқ йиллик меҳнатлар самарасидир.

Музей ҳовлисида туялар ва карвонбоши ҳайкали бор. Бу ҳам рамзий маъно касб этади. Маърифатпарвар шоир, олим, сайёҳ, матбаачи ва муаллим Исҳоқхон Тўра Ибрат ўлкамиздаги илк матбаачилардан бири сифатида, 1908 йил Оренбург шаҳридан литографик машина сотиб олиб, уни Оренбургдан Қўқонгача поездда, Қўқондан Тўрақўрғонга туяларга ортиб, катта машаққатлар билан олиб келган ва ўз ҳовлисида “Исҳоқия босмахонаси”ни ташкил қилган. Бу босмахона ўтган асрнинг 60-йилларигача фаолият кўрсатиб келган ва у ерда ўтган давр мобайнида бир қатор илмий-маърифий китоб ва рисолалар, миллий газеталар чоп этилган, уларни тарқатиш учун Фарғона водийси бўйлаб ўнлаб китоб дўконлари ташкил қилинган. Иккинчи бўлимда ўша даврга оид буюмлар ва суратлар сақланмоқда.

ИЖОДХОНА

Ушбу бўлим рамзий ашёлардан иборат. Узоқ-яқиндан келган зиёратчилар ўша давр муҳитини ҳис қилиши ва етарлича тасаввурга эга бўлиши учун ўзбекона кўрпача, сандал, сўзана ва шу кабилар билан безатилган.

Шунингдек, мажмуадан Қатағон қурбонлари хотираси музейи ҳам жой олган. Унда Наманган вилоятида туғилиб-ўсган, турли соҳаларда фаолият олиб борган қатағон машинаси ишлаган вақтларда ҳибсга олинган, қийноқларга солинган ва жисмоний йўқ қилинган зиёли инсонларга оид маълумотлар, суратлар ва буюмлар сақланади. Ҳатто бир хонасида НКВД аскарлари сўроқ қилаётган маърифатпарвар олим кўриниши гавдалантирилган. Кўрган кишини сескантирадиган ушбу хона ўша пайтдаги тергов-суриштирув жараёнлари ҳақида маълум тасаввурларни жонлантириб юборади.

Икки гектардан зиёд майдонни ташкил этган Исҳоқхон Тўра Ибрат мемориал мажмуасида ғурурланишга арзигулик ишлар қилинган. Лойиҳа қиймати 13 миллиард сўмдан зиёд мажмуа боғ-хиёбон, унинг ўртасида Исҳоқхон тўра Ибратнинг ҳайкали, миллий меъморчилик услубидаги айвон, босмахона, илғор технологиялар асосида қурилган мусиқали фаввора, чет тилларга ихтисослаштирилган 400 ўринли мактаб-интернат ва тарихий меъморчилик обидасида барпо этилган музейни ўз ичига олади. Энди бизга булардан фақатгина унумли фойдаланиш, аждодлар меъросини чуқур ўрганиш, илмий ютуқларини амалиётга татбиқ қилиб, жаҳоннинг илғор давлатлари билан беллаша оладиган авлодни шакллантириш қолди.

Умуман олганда мазкур манзил ҳақида газетада ўқиш, ижтимоий тармоқлар орқали танишиш етарлича таассурот бермайди. Бошқаларга ибрат бўлишни истасангиз, сиз ҳам Исҳоқхон Тўра Ибрат мемориал мажмуасини “кўргони келинг”!

Шаҳриёр ШАВКАТ



МУТОЛАА

АЛЛОМАНИ ТАНИШ



Ўтган асрда илму маърифат ила халқни мустамлака зуғумидан халос этишга уринган жадидлик ҳаракатининг ҳар бир ҳудудда ўз етакчилари, йўлбошчилари бўлган. Бироқ мазкур ҳаракатнинг шундай намояндалари борки, уларнинг илмий-ижодий фаолиятини, жаҳолатга қарши курашини нафақат бутун мамлакат, балки минтақа миқёсидаги иш сифатида характерлаш мумкин.

Маҳмудхўжа Беҳбудий ана шундай улуғ шахслардан бири эди. Адиб, публицист, ношир ва муҳаррир, фаол жамоат арбоби сифатида Самарқандда туриб кўрсатган жидду жаҳди уни жадидлик ҳаракатининг етакчиларидан бирига айлантирганди. Туркистон миллий уйғониш даври йирик вакилининг илмий-ижодий мероси кўлами ҳам шунга монанд жуда салмоқлидир.

Мазкур меросни ўрганишга умрини бағишлаган жадидшунос олимлар, тарихчилар, адабиётшуносу тилшунослар рўйхатини узоқ давом эттириш мумкин. Бироқ бугун “замонамиз жадиди” дея таърифланган, камтарин олим, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, санъатшунослик фанлари номзоди Сирожиддин Аҳмаднинг мазкур рўйхатда ўз ўрни бор.

Заҳматкаш олим илмий фаолияти давомида Беҳбудий феноменига кўп бора мурожаат қилган. Яқинда нашрдан чиққан “Маҳмудхўжа Беҳбудий” китоби ҳам узоқ йиллик изланишлар ва тинимсиз меҳнат самарасидир. Ушбу китобнинг аввалги жилдликдан фарқли томони шундаки, Беҳбудийнинг “Вақт”, “Улфат”, “Туркистон вилоятининг газети”, “Тараққий”, “Шуҳрат”, “Тужжор”, “Самарқанд”, “Сироти мустақим” каби нашрларда эълон қилинган мақолалари жамланган. Яна бир муҳим жиҳат, мазкур китобда адиб асарларининг фихристи ҳам илова қилинган.


Беҳбудий фаолиятига оид архив ҳужжатлари, тарихий суратлар китоб мундарижасидан ўрин олган материалларни янада бойитган. Улар мақолаларда сўз бораётган жараёнлар ва ўша давр одамлари ҳақидаги ўқувчи тасаввурини ойдинлаштириб боради.

Китобдан ўрин олган мақолалар билан таниша туриб, қатағон қиличи боши узра хавф солиб турган бир даврда элу юрт манфаати учун, ўғил-қизлар эртаси учун ўз жонини гаровга қўйиб, матонат кўрсатган Беҳбудий бобомизнинг иродасига қойил қолишингиз аниқ. Чунки ўз ҳаёти, рўзғори ташвишларидан кечиб, халқни ғафлат уйқусидан уйғотиш, жаҳолат зулматидан маърифат қуёши сари етаклаш ажалнинг кўзига тик боқиш билан тенг иш эди.

Бугун биз юксак жасорат намунаси бўлишга муносиб жадид намояндалари ҳақида юзаки маълумотлар билан чекланаётгандекмиз. Устоз Сирожиддин Аҳмад тиклаган “Маҳмудхўжа Беҳбудий” китоби бизга жадидлик ҳаракатининг мазмун-моҳияти, мазкур ҳаракат аъзолари, хусусан, Беҳбудий ҳазратлари тўғрисида фундаментал билим олиш имконини беради.

Рухшона БОБОНАЗАРОВА,
ЎзЖОКУ талабаси

ХОТИРА АЗИЗ



ҚАТАҒОН ҚУРБОНЛАРИ

(Давоми. Бошланиши ўтган сонларда).

Имомали Эргашев – 1899 йили Поп райони Чоркисар қишлоғида туғилган. Отаси босмачиликда айбланиб отиб ташланган. Ўзи ҳам босмачиликда иштирок этганликда гумонланиб қамоққа олинган. Қамоққа олинган вақтда колхоз аъзоси бўлган. “Шўрои Ислом” аксилинқилобий ташкилоти аъзоси. Аксилинқилобчи, мағлубиятчи кенгашларда қатнашиб, уруш тўғрисида мағлубиятчилик тарғиботини олиб борганликда, СССРдаги очлик тўғрисида миш-мишлар тарқатганликда, колхозчиларни ўзларига тегишли уй ҳайвонларини сотиб юборишга даъват қилганликда айбланиб, отувга ҳукм этилган. Унга тегишли буюмлар мусодара қилинган.

Холмат Мавлонов – 1892 йили Поп райони Хонобод қишлоғида туғилган. Миллати ўзбек. Собиқ қулоқ сифатида колхоздан ҳайдалган. “Шўрои Ислом” аксилинқилобий ташкилоти аъзоси. Колхозчилар орасида аксилинқилобий миллатчилик тарғиботини олиб борганликда, босмачилик, қўпорувчилик билан шуғулланганликда, колхозчиларни колхоздан чиқишга даъват этганликда, колхозчиларга тегишли 350 бош қўй ҳалок бўлишида айбланиб, отувга ҳукм қилинган. Унга тегишли буюмлар мусодара этилган.

Унар Орифхўжаев – 1878 йили Уйғур қишлоғида туғилган. Собиқ қулоқ, босмачилик ҳомийси сифатида ҳибсга олинган. Қамоққа олинган вақтда йўл бўлимининг бошлиғи бўлган.

У “Шўрои Ислом” аксилинқилобий ташкилоти аъзоси. Аксилинқилобий ташкилотлар топшириғи бўйича ўз уйида аксилинқилобий кенгашлар ўтказган. Босмачиликда айбланган гуруҳлар ташкилотчиси бўлган ва уларга қурол тарқатган. 1930 йили Уйғур қишлоғида коллективлаштиришга қарши кўзғолон кўтарган. Колхозчилар орасида аксилинқилобий тарғибот олиб борган. Монархик тузумни мақтаганликда айбланиб, отувга ҳукм этилган. Унга тегишли буюмлар мусодара қилинган.

Абдураҳим Норматов – 1874 йили Поп райони Чоркисар қишлоғида туғилган. Собиқ қулоқ, босмачи сифатида судланган. “Шўрои Ислом” аксилинқилобий ташкилоти аъзоси. Ҳибсга олинган пайтда колхоз аъзоси бўлган. 1930 йили коллективлаштиришга қарши аксилинқилобий кўзғолонда фаол қатнашган. Нолегал аксилинқилобий кенгашларда иштирок этганликда, аксилинқилобий мағлубиятчилик тарғиботини олиб борганликда айбланган. Унга нисбатан ЎзССР Жиноят кодексининг 66-моддаси 1-банди қўлланилиб, 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм қилинган. Қамоқ муддати 1937 йил 19 августдан ҳисобланган.

Эрмат Норматов – 1904 йили Поп райони Чоркисар қишлоғида туғилган. Қулоқнинг ўғли, эшон, аксилинқилобий фаолиятини олиб борган босмачи сифатида судланган. Илк қамоққа олинган вақтда колхоз аъзоси бўлган. “Шўрои Ислом” аксилинқилобий ташкилоти аъзолари таркибида 1930 йили коллективлаштиришга қарши аксилинқилобий кўзғолондаги фаол иштироки, аксилинқилобий фаолияти учун судланган. 1937 йил августда қайта ҳибсга олинган. Нолегал аксилинқилобий кенгашларда иштирок этганликда, аксилинқилобий мағлубиятчилик тарғиботини олиб борганликда айбланган. Унга нисбатан ЎзССР Жиноят кодексининг 66-моддаси 1-банди қўлланиб, 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм этилган. Қамоқ муддати 1937 йил 19 августдан ҳисобланган.

Худойназар Имомназаров – 1883 йили Поп райони Чоркисар қишлоғида туғилган. У 1935 йили собиқ қулоқ, босмачилик ҳаракати иштирокчиси сифатида аксилинқилобий фаолияти учун 2 йил қамоқ жазосига ҳукм этилган. Ҳибсга олинган вақтда ўқитувчи бўлган.

У “Шўрои Ислом” аксилинқилобий ташкилоти аъзоси сифатида босмачилик ҳаракатида фаол иштирок этганликда, коллективлаштиришга қарши кўзғолонда фаоллиги ҳамда аксилинқилобий, нолегал йиғинларда аксилинқилобий кўзғолон тайёрлаш тўғрисидаги масалалар муҳокамасида қатнашганликда айбланган. Худойназар Имомназаров ЎзССР Жиноят кодексининг 66-моддаси билан 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм қилинган. Қамоқ муддати 1937 йил 28 августдан ҳисобланган.

Қурбон Мирзаев – 38 ёшда, Беҳбудий шаҳридан. Миллати ўзбек. Икки марта судланган. 1928 йили Жиноят кодексининг 140-моддаси ва 1934 йили 143-моддаси билан айбланган. 1921 йилдан “Миллий иттиҳод” аксилинқилобий ташкилоти аъзоси. Ҳибсга олинган вақтда аниқ машғулоти бўлмаган. У 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм этилган. Қамоқ муддати 1937 йил 29 августдан ҳисобланган.

Шоимардон Тўраев – 1900 йили туғилган. Миллати ўзбек. Беҳбудий райони Пастакент қишлоғида яшаган. Йирик заминдор, амир амалдорларидан қоровулбегининг ўғли. Шоимардон Тўраев 1921 йилдан “Миллий иттиҳод” аксилинқилобий ташкилоти аъзоси бўлган. Қамоққа олинган вақтда ўрмон хўжалигида техник бўлиб ишлаган. 1937 йил 30 августда 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм этилган.

Одина Раҳматуллаев – 1896 йили туғилган. Беҳбудий шаҳри фуқароси, ўзбек, савдогар оиласидан. 1931 йили жавобгарликка тортилиб, 4 ой қамоқда ушлаб турилган. Ҳибсга олингунга қадар колхозда омбор мудири бўлиб ишлаган. 1921 йилдан “Миллий иттиҳод” аксилинқилобий ташкилоти аъзоси бўлган. Учликнинг қарори билан 8 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм этилган. Жазо муддати 1937 йил 22 августдан ҳисобланган.

Иноятулла Абдухолиқов – Каттақўрғонда яшаган. Йирик савдогар. 1933 йили солиқ тўламагани учун 3 йил қамоқ жазосига ҳукм этилган. “Миллий иттиҳод” аксилинқилобий ташкилоти аъзоси. Қамоққа олингунга қадар Каттақўрғон шаҳрида архивтуристда ишлаган. У 400 кишидан иборат босмачилар тўдасини ташкил этганликда, 1925 йили ўз хизмат вазифасини суиистеъмол қилиб, қулоқ хўжаликларининг уйларини миллийлаштириш бўйича маҳаллий хўжалик архивини ёқиб юборганликда айбланган. У 10 йил меҳнат тузатув лагерига ҳукм этилган. Жазо муддати 1937 йил 19 сентябрдан ҳисобланган.

Рустамбек ШАМСУТДИНОВ,
тарих фанлари доктори,
профессор,
Нигорахон АКБАРОВА,
илмий ходим

(Давоми келгуси сонда).

ҲАЖВ

ДАРДИ БЕДАВО

Соқол-у қошга оқ оралаб, қайнатма думбулни чайнашга соғ тиш қолмагач, ақл қуюлиб, шаштим суюлиб, паҳмим етгани шу бўлдики, кўнгил жониворни “Баҳор” дастаси қизларининг пирпирак кўйлагидек кенг тутиш керак экан.



Байт:

“Соғлиқнинг кушандаси
ишқибозликдур,
Узоқ яшай десанг,
узлат томон сур”,

(Қаралсин: Турсунали Қарчиғай. 12-том, “Қамишзордан мўралаган жононим”, 58-бет. Нашриёт: “Bitbildiq-mamov-books” МЧЖ. Чувалончи ҚФЙ. – **М.Х.**)

Бирорта бандани тангри каминага рўпара қилмадики, ишқибозлик ортидан барака топиб ё рўзғори, ё толейи гуллаб кетган бўлса... Хўрозбоз, беданабоз, қиморбоз ва бошқа ...бозларни аксари ё бирпасликка йўлиқиб, ёхуд бирор наҳс босган оқава қудуғига калла ташлаб, ажалидан бурун Азроилни олдига тушиб жўнаворган. Бари касопатни томири, ҳали айтганимдек, недир бир бемаза машғулотни белга белбоғ қилволишда...

Ўзимдан сўрасангиз, асли унчаям ирим тортадиган эски одаммасман. Горбач моҳов тахтга мингашган пайти эндигина “учта туз”-ни урган, яъни қирчиллаган пайтим эди. Ўшанда қилар иши йўқ йўқсуллар ёппасига ё хаккейга ё пидбўлга сурункали касал эди (ё атай юқтирилар эдиким, токим қора томошага илакишиб, авом сиёсатга сурканмагай). Ўзимизниям “Пахтакор” деган вужуди оққулоқ юрагўйноқи тўптепар жамоамиз бўларди. Палакат босиб, Оврўпани қалтиратиб турган “Спартак” ё “Динамо Киев”ни сафарда пўкиллатиб қайтардию, шопирма атала ичиб ётган умидимизни яна реаниматсиядан палатага обчиқиб қўярди. Кейин юраверарднинг “агар”ни “магар”га никоҳлаб... Тошкентда бўлса, қозоқни “Қайрат”ига уч-тўртта беминнат урдириб, чайқовда тилизўрни нархини сакратворарди. Ўша пайтлар бўлса керак, стадион ёнидан ўтиб кетаётган Абдулла Қаҳҳор ҳамроҳидан сўраган экан:

– Тошкентда қанча тентак бор, биласизми?

– Аниқ айтолмайман. Санамаганман.

– Ана шу стадионда нечта ўриндиқ бўлса, ўшанча тентак бор.

Тўғри айтган. Тўп тепган Ҳасанбой-у, қонбосими ошган Ҳусанбой деганларидай, сенга “Экстра”ни қопқоғича даҳли йўқ нарсага бир суюниб, ўн куюниб юраверасан, “Ўл” дейдиган одам йўқ.

Алқисса, ўттиз йилча олдин японларга эринмай саккизта урдирган кунимиз пидбўлни падарига “сано” айтиб, ўйинчилару ўйинсозларни астойдил йўқлама қилиб, тавба келтиргандим: “Оқ пичоқ-қора пичоқ! Қайта пидбўл деган сўзни оғзимга олсам ё оғзига олганларни ёнида турсам, нархим Тезиковка бозорида уч сўм-купон бўб кетсин!”


Шу қасамдан кейин лабзимни тоза тутдим: пидбўл қозонига яқин йўламадим. Аммо... Тунов кун Исроил мазгини замбарғалтагини синган дастагини ёпиштираётган Мурод шилтага ёрдамлашаман деб бехос кўзимни пайванд чақноғига олдириб қўйибман. Кўзим оққуённикидай қип-қизил, қўқонқалампир суртилгандай жазиллайди. “Ўл” дейдиган одам йўқ. Хотин аччиқ қилиб дамлаб берган қора чойга бўктирилган пахтани кўзимга босиб, устидан белбоғимни танғиганча сандални четида охиратимни ўйлаб ётибман. Бирдан эшик тарақлаб очилиб, ўртанча неварам Мардон гусура-гусур кириб келди. Қадам олишидан танийман-да, ерни ноғора қипташлайди. Дадаси “Наполи”га ишқивозлик қибюрган пайти туғилган. Шунга эл кўзига “Мардон” деб шаҳодатнома олган-у, ўзи “Марадона” деб чақиради, жанас. Буям пидбўл жинниси. “Ҳай” дейишимга қарамай, ҳовлиққанча, тилизўрни улаб, Спорт каналига бурворса бўладими! “Об-бо” дедим. Дард устига чипқон бўлди-ю! Калламни кўрпага буркаб ётибман, лекин тешик қулоқ эшитмасинми? Бошлаб қолишди-ю! Бизни вақтимизда Ахбор Имомхўжаев деган шарҳловчиларни хўрози бўларди. Бор гапни бўладиганини битта ўзи шартта-шартта айтарди, қўярди! Булар галалашиб чиқвопти. Битта димоғи битган димоғдори бор экан. Уялмай-нетмай, шеър ўқиб қолса бўладими! Вей, пидбўл қатта-ю, шеър қатта! “Бўриларга айланинглар, бўриларга!” деб нағма қилади-я! Бу сенга нима, ҳайвонот боғими?! Очиғини айтсам, бу шарҳловчиларинг ё майда миллатлар орасида униб қолган, ё ўрисча-пўрисча мактабниям қоровулхонада битирган. Томошабинни бир тийинга олмайди. Оғзига келганини валдирайди. Бирови кўча шевасида кучаниб, “бору-бору” деса, иккинчиси “борде-борде” деб инқиллайди. Биттаси адабий тилда гапираман деб, нуқул “моқда-моқда”лайди... “Ишончингиз комил бўлмоқдами?”, “Ҳайрон бўлмоқдамисиз?”, “Жарима тепдирилмоқда”, “Майдонда ҳайқирилмоқда”... Менимча, бу банда “тўп тепиляпти” деса, шериклари паспортини текшириб қолса керак. Яна бири “Ҳимоячи тўпни тепишга муваффақ бўлди” дейди. Ия, агар тўп тепиш пидбўлчига муваффақият бўлса, борадиган жойга бориб қопмиз-да! “Менимча, Норчаевни мураббий майдонга қочиб кетиш учун туширган”, дегани-чи? “Мардонжон, боласи тушгур жиноятчимикин? Нега қочади? Кимдан қочади? Қайга қочади? Ё алимент-палименти бормикин-а?” Неварам: “Ҳаммадан ўзиб кетади, бировга етказмайди деяпти”, деб дўнғиллаб берди. “Аҳмадалиев иккинчи қаватда яхши ўйнайди”, деганига ҳайрон бўлиб, “Болам, ҳамма қаватдаги ўйинларни чалкаштирмасдан, биттасини кўрсатса бўлмайдими?” десам, Мардонжон уф тортиб, “Калла билан ўйнаганини, тўпга сакраганини айтяпти”, деб жавоб қилди. Шарҳловчи “Абдихолиқов катта саҳнага қайтди”, деб ваҳима кўтариб қолди. “Ия, пидбўлга артисларни нима даҳли боракан?!” дедим-у, кўрмасам ҳам неварам менга ўқрайганини сездим. “Қалдирғочлар” “аждарлар”ни ер билан яксон қилишди”. “Мардонжон, пидбўл қолиб, мултик-пултикка ўтиб кетдингми дейман, “Болажон” каналига?” Неварам репетиторга қатнамайдими, қайсидир бегона тилда бирнималар деб ташлади. У ёқдаги тўптўпилар сайраб ётибди: “Лайнсмен вингерга корнерни кўрсатди ва аутсайдер жамоада камбэк қилиш имкони пайдо бўлди”. “Мардонжон, шунча чет эллик пидбўлчилар бизикиларга роса қимматга тушгандир?” “Қанақа пидбўлчилар, дода? Бу пидбўл терминлари-ю”.

Ҳалиги минқи шарҳловчи жазавага тушиб, “Мана, дўстлар, шунчаки томоша қилинг, “Истиқлол” стадионини пидбўлчиларимиз ёндиришмоқда!” деб бўкирворди. Ия, биров қурган гулдай иморатни биров ёқворса-ю, бу жонивор шунчаки томоша қилинг деб турса-я! Мардонжонга сўз қотишгаям сабрим етмай, шарт кўзимдаги малҳампахтани олиб, не кўз билан кўрайки, стадион жоппа-жойида турибди. Олов тугул, “Прима”ни чўғичаям учқун кўринмайди. “Ҳозир ўт кетди деятувди-ю!” “Эй, дода, тушунмисиз барибир, у пидбўл тилида гапиряпти!” Ростдан ҳам бу тил менга тўғри келмади. Таржимон бўлмаса, мендақалар англаши гумон. Ё пидбўл жинниларини даволаш керак, ё манови маҳмадоналарни яхшилаб ўқитиш, ўқитвориш керак. “Омад сиз ва бизни асло тарк этмасин!”

Мулла ХУНОБ

ТИЛБИЛИМ

ҚУЁШ ва ГУНЕШ



Қуёшни азиз тутиб “Бобо қуёш” деймиз. Лекин халқимиз орасида қуёш *кун* деб ҳам айтилади. *Кун чиқди, кун ботди* деган иборалар ҳамон эл орасида, жонли тилда мунтазам ҳаракатда юради. Аслида бу иборалар бир неча минг йиллик тарихга гувоҳлик беради. Истаймизми, истамаймизми, *қуёш* сўзидан кўра *кун* сўзи тил табиатига кўра етакчироқ.

“Ат-туҳфа” луғатида *кунеш (кўнäш)* ва *кун* сўзлари қуёш маъносида келган. Бу озарбайжон тилидаги *гунеш* сўзи билан бир хил. Мундоқ фаросат солиб қарасангиз, *кунеш* сўзи билан *қуёш* сўзи оғаинидай кўринади. Лекин Маҳмуд Кошғарийда қуёш маъносида *кун* сўзи ҳам бор, қуёш сўзининг ўзи ҳам бор. *Кўн туғдї. Қуйаш ани қуғшатти – Қуёш ҳарорати уни бўшаштирди.* Шунга кўра қуёш сўзининг кунеш сўзидан пайдо бўлгани даргумон бўлиб қолади. Шундай бўлса-да, Кошғарий бобо кун сўзига кўпроқ диққат қилган. Куннинг бир неча маъносини берган. Қаттиқ иссиқ, қаттиқ иссиқ тегишини ҳам *қуйаш* деб изоҳлаган. Юқорида келтирилган биргина мисолда ҳам *қуёш* сўзи “қаттиқ иссиқ” маъносида илгарироқ туради.

Юсуф Хос Ҳожиб “Қутадғу билиг”да *қуёшни йашық* сўзи билан ифодалаган.

“Туркий тиллар этимологик луғати”да турк лаҳжасидаги *köveş* сўзининг *кӧйеш* сўзига боғланиши, Вамберининг “куйиш” маъносидаги *куй* сўзидан *куйаш* сўзининг пайдо бўлиши ва кейинроқ унинг *қуйаш*га айланиши ҳақидаги фаразлар берилган.

Ўлжас Сулаймонов “Сўз калити” китобида энг қадимги туркий белгиларда *қуёш* сўзи *йай* шаклида бўлганлигини айтиб ўтади. Мен *йайлов* сўзидаги *йай* аслида “ёз” бўлиб, *йай*нинг ўзгарган шакли эканини “Яйлов билан чайла” битта сўзми?” деган мақоламда асослаб ўтганман. Агар Ўлжас оға таъкидлаганидай, *йай* қуёш маъносини билдирган бўлса, ёз ҳам шу маънода келган. Юқорида айтиб ўтганимиздек, Кошғарийда қуёш қаттиқ иссиқни англатган.

“Туркий тиллар этимологик луғати”да *гунеш* “қуёш тушадиган томон” маъносини англатади дейилган ва қорақалпоқ тилидаги кунгай сўзи келтирилган. Ҳозир ҳам Қашқадарёнинг Деҳқонобод туманида сойларнинг қуёш тушадиган томонини *кунгай*, қуёш тушмайдиган томонини *терскай* дейишади. Турк тилидаги *güney* сўзи жануб, жанубий томон маъносида келади. Бу ҳам тилимиздаги *кунгай*га яқин. Чунки қуёш жанубдан чиқади.

Нима бўлганда ҳам сўзнинг охирги *еш* қисми *гунеш* сўзига ҳам *қуйаш* сўзига ҳам тааллуқли. Э.Севортян сўз таркибидаги *еш* қисмини илдиз сифатида қуёшли, иссиқ жой маъносида деб изоҳлаган.

Эшқобил ШУКУР

“Jadid” газетаси муҳарририяти ҳамда муассислари Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси бўлим бошлиғи, уюшма аъзоси, шоир

Мансур ЖУМАЕВ

бевақт вафот этгани муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур ҳамдардлик билдиради.

ТАРМОҚЛАРДА НИМА ГАП?

ОСТОНАСИ ТИЛЛО УЙ

Бу ҳикояни менга бир ҳамкасбим айтиб берганди. Кўп вақт бу ҳикматомуз воқеа менга уйқу бермади.



Ҳаётда ўз ўрнимни топиб, маҳалла-кўйда иззатга эришиб, олтита фарзандни ўқитиб, уйли-жойли қилишимга бобом сабабчи бўлган. У киши ўттизинчи йиллар очарчилигини кўрган, Иккинчи жаҳон урушида қатнашган, бир неча бор ярадор бўлган. Атиги еттинчи синфни тугатган бобомнинг билими ҳозирги олий маълумотлилардан кам эмасди деб ўйлайман. Ана шу “ҳаёт дошқозонида қовуриб олинган” бобом менга иккита қоидани ўргатган эди: “Хотиннинг ва қозоннинг арзонига учма!” Мен шаҳарлик қизга кўнгил қўйиб, уйланаман, деб қарор берганимда онам рўмоли четини тишлаб, бош чайқаганди: “Бобонг нима деркин? Болам, тенг тенги билан, шаҳарлик қизларга қанча қалин тўлаш кераклигини биласанми? Ундан кўра, ўзимизни қишлоқни одмисига уйланақол”, деди.

Лекин... Кутилмаганда бобом мен тараф бўлиб, онамни кўндирди. Совчиликка борган амма-холаларим жийилиб қуда томон қалиндан ташқари жуда кўп сарупо сўраётганини айтишди.

Бобом:

– “Нима сўраса, шуни беринглар. Юрагим сезиб турибди, қадами қутлуғ келади, берган буюм-суюмларингни ўрни тўлиб кетади. Палаги тоза, остонамиз тилло бўлади, – деди.

Тўй олди борди-келдилари анча давом этди. Зиёли оила экан, сарупо ҳақидаги гапларнинг ҳаммаси ҳазил экан: икки ёш бахтли бўлиб кетишса, шу улар учун энг қимматбаҳо туҳфа эканини айтишибди.

Тўйимиздан бир йил ўтиб, укам уйланадиган бўлди ва бизни янги тикланган хўжаликка кузатиб қўйишди. Эртасига икки ёш қўл ушлашиб, марказий бозорга қозон сотиб олиш учун бордик.

– Ҳой, йигит, нима излаяпсиз? – сўради сотувчи аёллардан бири.

– Қозон, – дедим.

– Талабамисан? Менда арзон, кичкина қозонча бор, – деди у қоши билан уйқашган буюмларга ишора қилиб.

– Арзонини кераги йўқ. Шўрваси татимайди. Менга асл ва каттароғи керак.

– Нима қиласан катта қозонни? Бола-чақанг бўлмаса, хотининг икковингга кичкина декча ҳам бўлаверади-ку?

– Бобом хотин ва қозоннинг арзонига учма, деб уқтирган, – дегандим, сотувчилар кулиб юборишди.

– Унда бери кел, энг қиммат қозон менда...

Савдолашмай, сўраган пулини бериб, катта қозон сотиб олдим. Бу қозон уйимизга ҳақиқатдан ҳам қут-барака олиб келди. Олтита фарзандимиз бўлишини бобом сезган бўлса керак. Лекин, рафиқам қадамининг қутлуғлиги бу қозондан ортиб тушганди: биринчиси ўғил, иккинчиси қиз, учинчиси ўғил, тўртинчиси қиз, бешинчиси ўғил, олтинчиси қиз. Ҳаммаси ақли расо, тўрт мучаси соғ. Пазандалиги, покизалиги маҳалла келинларига дастак. Озода уйни фаришталар тарк этмайди, деган эди бобом. Бизнинг уй доим саранжом-сариштa. Вақти етиб, бўй чўзиб, ўғил болалар уйни остин-устун қилиб юборган пайтлари қизларим бир зумда тартибга келтириб қўярди, гоҳида даладан қайтган онаси бу бебошликни пайқамасди ҳам. Мен институтда илмий иш билан банд эдим. “Ўтиш даври”да кўп устозлар маоши кам деб бу соҳани тарк этишгани сир эмас. Мен ҳам бозорни мўлжаллаб қолдим. Бир куни рафиқамга бу ҳақда гап очдим.

– Бозорга кетаман, деб ўйламанг. Мен илмий иш билан шуғулланолмадим, энди сиз бу ишни ташланг, – деб қисқа қайирди. – Майли, маоши кам бўлса ҳам гап баракада. Сабр қилайлик...

Шунда бобомнинг яна бир доно гапи ёдимга тушди. “Шўрпешана эркакнинг хотини эрини қўрийди, шўрпешана хотиннинг эри ерини қўрийди”.

Бобомерос тўққиз сўтих ерни биргалашиб иссиқхона қилдик, лиму, бодринг, патинжон етиштирдик. Аёлим мендан кам меҳнат қилмади. Бир оғиз зорланмади, борига шукр қилди, йўғига сабр. Бугун эса... пири бадавлатмиз: кўнглимиз, кўзимиз тўқ, болалар ўқимишли, асосийси меҳрли. Рўзғоримиз баракали... Уйнинг остонасини тилло қиладиган сеҳргар сизнинг аёлингиз бўлади.

Ҳаётимдан мамнунман ва бўйдоқ йигитларга бобомнинг маслаҳатини бераман: “Хотин ва қозоннинг арзонига учманглар”.

Баҳорой ДЎСМАТОВА
Фейсбук

Jadid
adabiy, ilmiy-ma’rifiy va ijtimoiy haftalik gazeta

Муассислар:

ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАР УЮШМАСИ

РЕСПУБЛИКА МАЪНАВИЯТ ВА МАЪРИФАТ МАРКАЗИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ

МИЛЛИЙ МАСС-МЕДИАНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШ ВА РИВОЖЛАНТИРИШ ЖАМОАТ ФОНДИ

“ШАҲИДЛАР ХОТИРАСИ” ЖАМОАТ ФОНДИ

Бош муҳаррир:
Иқбол Мирзо

Бош муҳаррирнинг биринчи ўринбосари:
Ҳумоюн Акбаров

Масъул котиб:
Шуҳрат Азизов

Навбатчи муҳаррир:
Гулчеҳра Умарова

Саҳифаловчилар:
Эркин Ёдгоров
Нигора Тошева

Таҳририятга юборилган мақолалар муаллифга қайтарилмайди ва улар юзасидан изоҳ берилмайди.

Газета 2023 йил 26 декабрда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 195115 рақам билан рўйхатга олинган.

Кирилл ёзувидаги адади – 5 827
Лотин ёзувидаги адади – 11 904
Медиа кузатувчилар – 19 395
Буюртма: Г – 1139
Ҳажми: 4 босма табоқ, А2.
Нашр кўрсаткичи – 222.
Ташкилотлар учун – 223.
1 2 3 4 5 6



Манзилимиз:
Тошкент шаҳри,
Шайхонтоҳур тумани,
Навоий кўчаси, 69-уй

Телефонлар:
Қабулхона: (71) 203-24-20
Девонхона: (97) 745-03-69
jadidgzt@mail.ru (71) 203-24-17
Jadid_gazetasi@exat.uz

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси.
Босмахона манзили:
Тошкент шаҳри,
Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Босишга топшириш вақти: 21:00
Босишга топширилди: 22:30
Сотувда нархи эркин.

jadid-media.uz